БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 43 (534)
26 ФЕВРАЛЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Кеча Кремльда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди ўз ишини тамомлади.

С'езднинг охирги мажлисида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан Директивалар тасдиқланди ҳамда партия Марказий органлари сайланди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги программасини тайёрлаш тўғрисида
КПСС XX С'ЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

(1956 йил 25 февральда бир овоздан қабул қилинган)

КПСС XX с'езди Марказий Комитетга партиямизнинг тарихий тажрибаси, социалистик мамлакатлардаги қардош партияларнинг тажрибаси, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг тажрибаси ва муваффақиятлари асосида ижодий ривожланиб бораётган марксизм-ленинизм назариясининг асосий қоидаларига асосланиб, шунингдек коммунистик қурилишнинг тайёрланаётган перспектив планини, Совет Иттифоқи экономикаси ва маданиятининг ривожланишини ҳисобга олиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси программасининг проектини тайёрлашни топширади.

С'езд Марказий Комитетга партия программасининг проектини кенг муҳокамадан ўтказмоқ учун уни КПСС XXI с'ездига қадар барвақт э'лон қилишни топширади.

С'езднинг охирги мажлиси

25 февральда Кремльда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди ўз ишини тамомлади.

С'езд ўзининг охирги мажлисида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан Директиваларни якдиллик билан тасдиқлади.

С'езд партия марказий органларини сайлаш натижалари тўғрисида ҳисоб комиссиясининг Раиси ўртоқ **Е. И. Громов**нинг ахборотини эшитди. Делегатлар партия марказий органларининг якдиллик билан сайланганлиги тўғрисидаги хабарни давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ **Н. С. Хрушчев** партиянинг янги программасини тайёрлаш тўғрисидаги қарор проектини Президиум номидан с'езд қарамоғига тақдим этади. С'езд бу қарорни якдиллик билан қабул қилади.

Мажлисда раислик қилучи ўртоқ Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг кун тартибидаги масалалар тугаганлигини ма'лум қилади ва с'ездни ёпиқ деб э'лон қилади. С'езд делегатлари ўринларидан турадилар ва гоят баланд руҳ билан партия гимни «Интернационал»ни айтадилар. Залда гулдурос овация бошланади. «Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!», «Яшасин ленинчи Марказий Комитет!», «Яшасин ленинизм!» деган хитоблар эшитилади.

Мўғулистон Халқ Республикаси Улуғ Халқ хурали Президиумининг раиси ўртоқ САМБУГА Мўғулистон Халқ Республикасининг Бош министри ўртоқ ЦЕДЕНБАЛГА Мўғулистон Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг вазифасини бажаручи ўртоқ РАВДАНГА

Улан-Батор шаҳри

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Мўғулистон Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартнома ҳамда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланганлигининг ўнйиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Ташқи Ишлар министрлиги Мўғулистон Халқ Республикаси Улуғ Халқ хурали Президиумига, Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Советига, Мўғулистон Халқ Республикаси Ташқи Ишлар министрлигига ва қардош мўғул халқига энг дўстона табрик ва саломларини юборадилар.

Халқларимиз дўстлигининг, бир-бирига ёрдамлашуви ва ҳамкорлигининг улуғ кучи Мўғулистон халқининг ўз республикасини сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришда эришган ажойиб муваффақиятларида ёрқин ифодасини топди.

Мўғул халқи ўзи танлаб олган социализм йўлидан бориб, ўзининг ижодий ва яратучи меҳнати билан умумий тинчлик ва кишилик тараққиёти ишига ҳисса қўшмоқда.

Совет — Мўғулистон Шартномаси ва Битимининг ўнйиллиги кунида совет халқи дўст мўғул халқига ўз халқ-демократик давлатини қуриш ва мустаҳкамлашда чин кўнгилдан янада муваффақиятлар тилайди.

Совет Иттифоқи ва Мўғулистон Халқ Республикаси халқларининг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлиги бундан буён ҳам мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнасин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. БУЛГАНИН.
СССР Ташқи Ишлар министри В. МОЛОТОВ.

Москва шаҳри,
1956 йил 26 февраль.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ ЎРТОҚ Н. А. БУЛГАНИННИНГ МАКЕДОНИЯ РАЙОНИДА ЮЗ БЕРГАН ТАБИИЙ ОФАТЛАР МУНОСАБАТИ БЛАН ЮГОСЛАВИЯ ИТТИФОҚ ИЖРОИЯ ВЕЧЕСИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ И. Б. ТИТОГА ЮБОРГАН ТЕЛЕГРАММАСИ

Кейинги вақтда Югославияда табиий офатлар юз берганлиги, бу табиий офатлар оқибатида кишилар орасида қурбонлар бўлганлиги ва моддий зарар етказилганлиги муносабати билан СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Булганин шу йил 18 февральда Югославия Иттифоқ Ижроия Вечесининг Раиси ўртоқ И. Б. Титога қуйидаги мазмунда телеграмма юборди:

«Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ Ижроия Вечесининг Раиси ўртоқ И. БРОЗ-ТИТОГА

Македония районида юз берган табиий офат натижасида югославияли граждан-лар ҳалок бўлганлиги ва моддий зарар кўрилганлиги муносабати билан Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукуматига Совет Ҳукумати номидан чуқур ҳамдардлик билдираман.

Югославия Ҳукуматига Македония аҳолиси бошига тушган офатнинг оқибатлари тезроқ тугатилишини чин қалбимдан тилайман.

Н. БУЛГАНИН,
СССР Министрлар Советининг Раиси».

Шу билан бирга СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой Жамиятлари Союзи Ижроия Комитети қор кўчган ва сув тошган вақтда Югославияда кишилар ҳалок бўлганлиги ва аҳоли моддий зарар кўрганлиги муносабати билан астойдил ҳамдардлик билдириб. Югославия Қизил Крестининг Марказий Комитетига зарар кўрганларнинг аҳволини енгиллаштириш учун 40 минг сўм пул юборди.

Шу йил 21 февральда СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Булганин Югославия Иттифоқ Ижроия Вечесининг Раиси ўртоқ И. Б. Титодан қуйидаги телеграммани олди:

«СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. БУЛГАНИНГА

Македонияда юз берган табиий офатлар оқибатида гражданларимиз ҳалок бўлганлиги ва зарар кўрилганлиги муносабати билан бизнинг қайғимизни чинакам ўртоқлашиб ЮФХР Ҳукуматига Совет Ҳукумати номидан ҳамдардлик билдирганлигингиз учун жуда миннатдорман.

Сиздан Иттифоқ Ижроия Вечеси номидан бизнинг энг самимий ташаккуримизни қабул қилишингизни сўрайман.

Иосип БРОЗ-ТИТО»

Партия XX с'ездида сайланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг состави

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг а'золари

1. Авхимович Н. Е.
2. Алферов П. Н.
3. Андреев А. А.
4. Аристов А. Б.
5. Бобоев С.
6. Байбаков Н. К.
7. Беляев Н. И.
8. Бенедиктов И. А.
9. Бешчев Б. П.
10. Бобровников Н. И,
11. Бойцов И. П.
12. Брежнев Л. И.
13. Брежнев Д. Д.
14. Булганин Н. А.
15. Ванников Б. Л.
16. Василевский А. М.
17. Волков А. П.
18. Ворошилов К. Е.
19. Воронов Г. И.
20. Гаевой А. И.
21. Ғафуров Б.
22. Горячев Ф. С.
23. Гришин В. В.
24. Гришин И. Т.
25. Громико А. А.
26. Даниялов А. Д.
27. Дементьев П. В.
28. Денисов Г. А.
29. Дерюгин Б. И.
30. Джавахишвили Г. Д.
31. Доронин П. И.
32. Дудоров Н. П.
33. Енютин Г. В.
34. Ефремов М. Т.
35. Ефремов Л. Н.
36. Жегалин И. К.
37. Жуков Г. К.
38. Завенягин А. П.
39. Задемидко А. Н.
40. Зверев А. Г.
41. Игнатов Н. Г.
42. Игнатов Н. Ф.
43. Игнатьев С. Д.
44. Қабанов И. Г.
45. Қаганович Л. М.
46. Қалнберзин Я. Э.
47. Қальченко Н. Т.
48. Қапитонов И. В.
49. Қириленко А. П.
50. Қириченко А. И.
51. Қиселев Н. В.
52. Клименко В. К.
53. Қобелев Б. Н.
54. Қовригина М. Д.
55. Қозлов Ф. Р.
56. Қолушчинский Е. П.
57. Қонев И. С.
58. Қорнейчук А. Е.
59. Қоротченко Д. С.
60. Қосигин А. Н.
61. Қузнецов В. В.
62. Қунаев Д. А.
63. Қуусинен О. В.
64. Қучеренко В. А.
65. Қэбин И. Г.
66. Ларионов А. Н.
67. Лаптев Н. В.
68. Латунов И. С.
69. Лебедев И. К.
70. Лубенников Л. И.
71. Мазуров К. Т.
72. Маленков Г. М.
73. Малиновский Р. Я.
74. Малишев В. А.
75. Марков В. С.
76. Марченко И. Т.
77. Мацкевич В. В.
78. Мжаванадзе В. П.
79. Микоян А. И.
80. Митин М. Б.
81. Михайлов Н. А.
82. Молотов В. М.
83. Москвин В. А.
84. Москаленко К. С.
85. Муратов З. И.
86. Мустафаев И. Д.
87. Муҳиддинов Н. А.
88. Насриддинова Е. С.
89. Органов Н. Н.
90. Панкратова А. М.
91. Патоличев Н. С.
92. Пегов Н. М.
93. Первухин М. Г.
94. Петухов К. Д.
95. Подгорний Н. В.
96. Полянский Д. С.
97. Пономарев Б. Н.
98. Пономаренко П. К.
99. Поспелов П. Н.
100. Прокофьев В. А.
101. Пузанов А. М.
102. Писин К. Г.
103. Рагимов С. Г.
104. Раззоқов И. Р.
105. Румянцев А. М.
106. Сабуров М. З.
107. Сердюк З. Т.
108. Серов И. А.
109. Снечкус А. Ю.
110. Соколовский В. Д.
111. Стахурский М. М.
112. Струев А. И.
113. Суслов В. М.
114. Суслов М. А.
115. Тевосян И. Ф.
116. Титов В. Н.
117. Титов Ф. Е.
118. Тихомиров С. М.
119. Товмасян С. А.
120. Устинов Д. Ф.
121. Фурцева Е. А.
122. Хворостухин А. И.
123. Хруничев М. В.
124. Хрушчев Н. С.
125. Чернишев В. Е.
126. Шверник Н. М.
127. Шелепин А. Н.
128. Шепилов Д. Т.
129. Школьников А. М.
130. Штиков Т. Ф.
131. Юдин П. Ф.
132. Яковлев И. Д.
133. Яснов М. А.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети а'золигига кандидатлар

1. Андреева Н. Н.
2. Баграмян И. Х.
3. Бирюзов С. С.
4. Борисов С. З.
5. Бубновский Н. Д.
6. Будённий С. М.
7. Бутузов С. М.
8. Воронов Ф. Д.
9. Ганенко И. П.
10. Глебовский Г. Н.
11. Горбатов А. В.
12. Горшков С. Г.
13. Гречко А. А.
14. Гречуха М. С.
15. Гришин К. Н.
16. Гришко Г. Е.
17. Громов Е. И.
18. Гуреев Н. М.
19. Дигай Н. А.
20. Евсеенко М. А.
21. Елютин В. П.
22. Епишев А. А.
23. Еременко А. И.
24. Жаворонков В. Г.
25. Жигарев П. Ф.
26. Жимерин Д. Г.
27. Жуков К. П.
28. Журин Н. И.
29. Закурдаев В. И.
30. Замчевский И. К.
31. Зарубин Г. Н.
32. Золотухин Г. С.
33. Зорин В. А.
34. Зотов В. П.
35. Ивашченко О. И.
36. Ислюков С. М.
37. Ишков А. А.
38. Қазанец И. П.
39. Қалмиков В. Д.
40. Қанунников М. Я.
41. Қарасев В. Я.
42. Қлимов А. П.
43. Қоваль К. И.
44. Қозлов А. И.
45. Қозлов В. И.
46. Қомаров П. Т.
47. Қомяхов В. Г.
48. Қонстантинов Ф. В.
49. Қорниец Л. Р.
50. Қосов В. В.
51. Қостоусов А. И.
52. Крахмалев М. К.
53. Кумикин П. Н.
54. Лацис В. Т.
55. Лихачев И. А.
56. Лобанов П. П.
57. Логинов С. П.
58. Ломако П. Ф.
59. Лунев К. Ф.
60. Лучинский А. А.
61. Ликова Л. П.
62. Мақсарев Ю. Е.
63. Малик Я. А.
64. Мельников Л. Г.
65. Мельников Р. Е.
66. Меньшиков М. А.
67. Миларшчиков В. П.
68. Мюрисеп А. А.
69. Найдек Л. И.
70. Неделин М. И.
71. Нефедова О. И.
72. Никитин П. В.
73. Носенко И. И.
74. Орлов Г. М.
75. Орловский К. П.
76. Островитянов К. В.
77. Павлов Д. В.
78. Палецкис Ю. И.
79. Петухов А. У.
80. Пилипец С. М.
81. Попова Н. В.
82. Постовалов С. О.
83. Пчеляков А. П.
84. Райзер Д. Я.
85. Рашидов Ш.
86. Рудаков А. П.
87. Руденко Р. А.
88. Рудь Г. Я.
89. Рябиков В. М.
90. Семичастний В. Е.
91. Сенин И. С.
92. Сизов Г. Ф.
93. Синяговский П. Е.
94. Скиданенко И. Т.
95. Скулков И. П.
96. Смирнов Н. И.
97. Соколов Т. И.
98. Соловьев Л. Н.
99. Степанов С. А.
100. Строкин Н. И.
101. Сурганов Ф. А.
102. Сурков А. А.
103. Тарасов М. П.
104. Ташенов Ж. А.
105. Тимошенко С. К.
106. Тока С. К.
107. Трофимов А. С.
108. Туманова З. П.
109. Тур И. П.
110. Фадеев А. А.
111. Фирюбин Н. П.
112. Флорентьев Л. Я.
113. Хахалов А. У.
114. Чеплаков П. Ф.
115. Чубинидзе М. Д.
116. Чуйков В. И.
117. Чураев В. М.
118. Шашков З. А.
119. Шереметьев А. Г.
120. Шумаускас М. Ю.
121. Юдин П. А.
122. Юркин Т. А.

Партия XX с'ездида сайланган Марказий Ревизия Комиссиясининг состави

1. Абабков Т. И.
2. Абалин С. М.
3. Агкацев В. М.
4. Арушанян Ш. М.
5. Бабич В. И.
6. Бойкова А. П.
7. Виноградов С. А.
8. Воробьев Г. И.
9. Горкин А. Ф.
10. Громов Г. П.
11. Губин К. А.
12. Дорошенко П. Е.
13. Дубковецкий Ф. И.
14. Жуков Г. А.
15. Зимянин М. В.
16. Ибрагимов М. А.
17. Игнатов С. А.
18. Ильичев Л. Ф.
19. Қазьмин Н. Д.
20. Қаиров И. А.
21. Қамолов С.
22. Қидин А. Н.
23. Қириллин В. А.
24. Қосяченко Г. П.
25. Қочетов В. А.
26. Қузнецов Ф. Ф.
27. Қузьмин И. И.
28. Қузьмин Н. М.
29. Қулатов Т.
30. Лазуренко М. К.
31. Лукьянов В. В.
32. Малин В. Н.
33. Малинин М. С.
34. Мерецков К. А.
35. Миронова З. В.
36. Москатов П. Г.
37. Московский В. П.
38. Муравьева Н. А.
39. Овезов Б.
40. Озолинь К. М.
41. Орлов М. А.
42. Осипов Г. И.
43. Ососков В. И.
44. Пальгунов Н. Г.
45. Панюшкин А. С.
46. Подзерко А. А.
47. Поликарпов Д. А.
48. Прокконен П. С.
49. Прокофьев А. А.
50. Промислов В. Ф.
51. Пушкин Г. М.
52. Рожанчук Н. М.
53. Сатюков П. А.
54. Семенов В. С.
55. Симонов К. М.
56. Спиридонов А. М.
57. Суетин М. С.
58. Улжабоев Т.
59. Чередниченко Е. Т.
60. Шикин И. В.
61. Шчербицкий В. В.
62. Юсупов И.
63. Яковлев А. И.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX С'ЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИ

(1956 йил 25 февральда бир овоздан қабул қилинган)

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди шуни қайд қиладики, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бешинчи бешйиллик плани юзасидан партия XIX с'езди белгилаб берган топшириқлар муваффақият билан бажарилди.

Ўтган беш йил ичида СССР саноатининг маҳсулоти 85 процент кўпайди, шу жумладан ишлабчиқариш воситаларини ишлаб чиқариш—91 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотининг умумий ҳажми эса 1955 йилда 1950 йилдагига нисбатан 2,2 баравар кўпайди. 1955 йилда саноат маҳсулоти 1940 йилдагига қараганда 3,2 баравар кўп ишлаб чиқарилди. Оғир саноат маҳсулотининг энг муҳим турлари — пўлат, прокат, кўмир, нефть, электр қуввати, цемент, алюминий, автомобиллар, тракторлар ва маҳсулотнинг бошқа кўпгина турлари бўйича бешйиллик план топшириқлари ортиғи билан бажарилди.

Дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида Партия ва Ҳукумат томонидан кўрилган катта тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида социалистик қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш учун шароит вужудга келтирилди. Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилганлиги туфайли дон экинлари экиладиган майдонлар 1955 йилда 1950 йилдагига нисбатан қарийб 24 миллион гектар кўпайди. Асосий қишлоқ хўжалик экинларидан олинаётган ялпи ҳосил ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ошди.

Оғир индустрия муваффақият билан ривожлантирилганлиги ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти кўпайтирилганлиги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни беш йил мобайнида 76 процент ошириш имкониятини берди, бу эса шу истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг урушгача бўлган даражага нисбатан 2 баравардан зиёдроқ кўпайганлигини кўрсатади. Бешйиллик планда транспорт бўйича берилган топшириқлар ортиғи билан бажарилди. Техниканы тинмай такомиллаштириш, ишлабчиқаришнинг ташкил этилишини яхшилаш ва социалистик мусобақани авж олдириш асосида саноатда, қишлоқ хўжалигида ва транспортда меҳнат унумдорлиги ошди.

Бешинчи бешйиллик йиллари мобайнида СССРнинг миллий даромади 68 процент кўпайди, ишчилар ва хизматчиларнинг реал ишҳақи 39 процент ошди, колхозчиларнинг реал даромадлари эса 50 процент ошди. Бешйиллик планда чакана товар обороти бўйича берилган топшириқлар ортиғи билан бажарилди. Совет фани ва маданияти муваффақият билан ривожланиб борди.

Шу билан бирга Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди хўжалик фаолиятининг айрим соҳаларида катта камчиликлар борлигини қайд қилади. Саноатнинг баъзи тармоқларининг ривожланиши халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан кейинда қолмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида бешйиллик план топшириғи тўла бажарилмади, бу эса енгил саноат ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг ривожланишини, халқ истеъмоли товарларини кўплаб чиқаришни сусайтирди.

Ишлабчиқаришнинг бирқанча тармоқларида ҳозирги замон фани ва техникасининг энг янги муваффақиятларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш ишда қолоқлик бор; саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда ва қурилишда ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси ҳали ҳам етарлик эмас.

Саноатда ва қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари тўла бажарилмади, маҳсулот единицасига ҳали ҳам кўп меҳнат сарф қилинмоқда.

Бешинчи бешйиллик планни амалга ошириш натижасида мамлакатнинг иқтисодий қуввати ўсди, социалистик хўжалик системаси янада кўпроқ мустаҳкамланди, совет халқи турмушининг моддий даражаси ва маданий савияси ошди. СССРнинг халқ демократияси мамлакатлари билан хўжалик алоқалари кенгайди, Совет Иттифоқининг ва бутун социалистик лагерьнинг халқаро аҳволи мустаҳкамланди.

Эндиликда Совет Иттифоқи бақувват ва ҳартомонлама ривожланган социалистик ишлабчиқаришга, ҳарқачонгидан кўра анча кўпроқ бўлган моддий ресурсларга, шунингдек малакали кадрларга эга.

Ижтимоий ишлабчиқаришни ривожлантиришда эришилган даража Совет давлатига бутун халқ хўжалигининг мустаҳкам асоси бўлиб келган ва бўлиб қолаётган ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқаришнигина эмас, балки, шу билан бирга, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам тез сур'атлар билан ривожлантириш, жамият бойлигини анча кўпайтириш ва бу билан мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш йўлидан янада олга бориш имкониятини беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди шуни таъкидлайдики, СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдори жиҳатидан энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини тинч иқтисодий мусобақа йўлида тарихан энг қисқа муддатларда ҳал қилмоқ учун эндиликда Совет мамлакатида зарур шарт-шароитнинг ҳаммаси мавжуддир.

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи бешйиллик планининг асосий вазифалари — оғир саноатни устун даражада ривожлантириш, техниканы тинмай тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш базасида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кенг миқ'ёсда ўстиришни та'минлашдан, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини кескин равишда юксалтиришни амалга оширишдан ва шу асосда совет халқининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини анча оширишга эришишдан иборатдир.

Олтинчи бешйиллик — Совет мамлакатининг ишлабчиқарувчи кучларини янада кенг миқ'ёсда ривожлантириш, халқ хўжалигини ишлабчиқаришнинг янада юксак техника даражасига ўтказиш бешйиллиги, барча сифат кўрсаткичларини жиддий равишда ошириш ва хўжалик раҳбарлигини яхшилаш бешйиллиги бўлиши лозим.

Партия ва совет халқи олдида турган асосий вазифаларни назарда тутиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан қуйидаги директивалари белгилаб беради:

I. Саноат бўйича

1. Саноат маҳсулотининг ўсиши беш йил ичида тахминан 65 процент миқдорида белгилансин.

Қора ва рангли металлургияни, нефть, кўмир ва химия саноатини янада ривожлантириш, электростанциялар қурилишнинг илдам сур'атлар билан боришини та'минлаш, машинасозликни, айниқса техника жиҳатидан такомиллаштирилган станоклар, темирчилик-пресс машиналари, автоматика воситалари ва асбоблар ишлаб чиқаришни тез ўстириш — олтинчи бешйилликнинг саноат соҳасида биринчи навбатдаги вазифалари деб ҳисоблансин. Ишлабчиқариш воситалари («А» группа) ишлаб чиқариш беш йил мобайнида тахминан 70 процент кўпайтирилсин.

Аҳоли учун товарлар ишлаб чиқарувчи саноатни бундан буён ҳам анча ривожлантириш та'минлансин. Истеъмол буюмлари («Б» группа) ишлаб чиқаришни ўстириш беш йил учун тахминан 60 процент миқдорида белгилансин.

2. Саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ҳажми олтинчи бешйилликнинг охирги йили — 1960 йил учун тахминан қуйидаги миқдорларда белгилансин:

		1955 йилдаги ишлабчиқаришнинг ҳажмига нисбатан процент ҳисобида
ҚОРА МЕТАЛЛАР		
Чўян	53 миллион тонна	159
Пўлат	68,3 миллион тонна	151
Прокат	52,7 миллион тонна	152
ЁҚИЛҒИ ВА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ		
Кўмир	593 миллион тонна	152
Нефть	135 миллион тонна	191
Газ	40 миллиард кубометр	388
Электр қуввати	320 миллиард киловатт-соат	188
шу жумладан гидроэлектр қуввати	59 миллиард киловатт-соат	255
ХИМИКАТЛАР ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР		
Минерал ўғитлар	19,6 миллион тонна	204
Каустик сода	1000 минг тонна	177
Кальцийланган сода	2420 минг тонна	168
МАШИНАЛАР ВА УСКУНАЛАР		
Металлургия ускуналари	280 минг тонна	163
Химия ускуналари	208 минг тонна	184
Нефть аппаратлари	120 минг тонна	248
Буғ ва газ турбиналари	10,5 миллион киловатт	258
Гидравлик турбиналар	2,6 миллион киловатт	173
Буғ газ ва гидравлик турбиналарга генераторлар	11 миллион киловатт	243
Металл қирқадиган станоклар	200 минг дона	190
Темирчилик-пресс машиналари	25,8 минг дона	185
Асбоблар ва уларга керакли запас қисмлар	7 миллиард сўмлик	352
Автомобиллар	650 минг дона	146
Тракторлар	322 минг дона	197
Қишлоқ хўжалик машиналари	9,5 миллиард сўмлик	176
Ғалла комбайнлари	140 минг дона	292
Виндроуэрлар	50 минг дона	21 баравар
Электровозлар	550 дона	284
Тепловозлар	1.630 дона	12 баравар
Магистрал юк вагонлари	52 минг дона	151
Магистрал пассажир вагонлари	2.800 дона	158
УРМОНЧИЛИК ВА БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ		
Қурилишбоп ёғочлар (ташиб олиш)	264 миллион кубометр	134
Арраланган материаллар	80 миллион кубометр	138
Цемент	55 миллион тонна	245
Шифер	3.050 миллион шартли тахта	205
Дераза ойнаси	155 миллион квадратметр	156
ХАЛҚ ИСТЕ'МОЛИ БУЮМЛАРИ		
Ип газлама	7.270 миллион метр	123
Шерсть газлама	363 миллион метр	145
Зиғир толасидан тўқиладиган газлама	556 миллион метр	182
Ипак газлама	1.074 миллион метр	204
Сун'ий тола	330 минг тонна	299
Тикилган буюмлар	78 миллиард сўмлик	152
Ички ва устки трикотаж кийимлар	580 миллион дона	135
Пойафзал	455 миллион жуфт	152
Ҳамма турдаги соатлар	33,6 миллион дона	171
Радиоприёмниклар ва телевизорлар	10,2 миллион дона	255
Рўзғор холодильниклари	635 минг дона	419
Рўзғор учун кир ювадиган машиналар	528 минг дона	608
Рўзғор учун тикув машиналари	3.780 минг дона	235
Мотоциклар	395 минг дона	162
Велосипедлар	4.230 минг дона	147
Қоғоз	2.722 минг тонна	146
Мебель	14,6 миллиард сўмлик	211
Шакар	6.530 минг тонна	191
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	3.950 минг тонна	178
Балиқ	4.200 минг тонна	157
Мол ёғи ва бошқа сут маҳсулотлари (сутга айлантириб ҳисоблаганда)	25 миллион тонна	185
Ўсимлик мойи	1.840 минг тонна	165
Консервалар	5.580 миллион шартли банка	178

3. Электрлаштиришни янада ривожлантириш, комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, жуда ҳам унумли ишлайдиган энг янги машина-ускуналарни ва илғор технологияни жорий қилиш, эскириб қолган машина-ускуналарни кенг миқ'ёсда алмаштириш ва модернизация қилиш асосида саноатнинг ҳамма тармоқларида ишлабчиқаришнинг техника даражасини кўтариш тадбирлари кенг миқ'ёсда амалга оширилсин.

4. Олтинчи бешйилликда атом энергиясини тинчлик мақсадларида қўлланиш анча кенгайтирилсин. 1956—1960 йиллар мобайнида жам'и 2—2,5 миллион киловатт қувватга эга бўлган атом электростанциялари қурилсин. Атом электростанциялари, биринчи галда, ёқилғи базасига эга бўлмаган районларда қурилсин. Транспорт мақсадлари учун атом силовой установкаларини вужудга келтириш соҳасидаги ишлар кучайтирилсин. Атом двигательли муз'ёрар қурилсин. Радиоактив нурларидан саноатда, қишлоқ хўжалигида ва медицинада янада кўпроқ фойдаланиш, жумладан материалларнинг сифатини контроль қилиш учун, ишлабчиқариш процессларини бошқариш ва бу процессларни автоматик усулда тартибга солиш учун, шунингдек турли касалликларни аниқлаш (диагностика) ва даволаш учун ана шу радиоактив нурларидан янада кўпроқ фойдаланиш соҳасидаги ишлар бутун чоралар билан кучайтирилсин. Илмий-текшириш ишларида нишонли атомлар кенг қўлланилсин. Дозиметрик ва радиометрик аппаратларни, контроль ва бошқариш асбобларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

5. Ишлаб турган корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш, эскириб қолган машина-ускуналарни модернизация қилиш ва алмаштириш, «тор жойлари»ни йўқотиш йўли билан, шунингдек корхоналарнинг кўпроқ бир меъёрда ишлашини ташкил қилиш ва маҳсулотни бирхекис ишлаб чиқариш, моддий-техника та'минотни ишларини ва ишлабчиқаришни планлаштиришни яхшилаш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш та'минлансин.

Ишлабчиқаришни яхши ташкил қилиш ва мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан фойдаланиш йўли билан, жумладан, пўлат ишлаб чиқариш белгиланган миқдордан камида 47 процент, чўян ишлаб чиқариш—35 процент, қора металлар прокати ишлаб чиқариш — 40 процент, тозаланган мис ишлаб чиқариш—42 процент, цинк ишлаб чиқариш — 47 процент, кўргошин ишлаб чиқариш—34 процент, алюминий ишлаб чиқариш—20 процент, никель ишлаб чиқариш—60 процент, кўмир чиқариш—35 процент, тоза нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш—25 процент, аммиак ишлаб чиқариш—34 процент, каустик сода ишлаб чиқариш 53 процент, кальцийланган сода ишлаб чиқариш — 30 процент, автошиналар ишлаб чиқариш — 24 процент, гидравлик турбиналар ишлаб чиқариш—54 процент, трансформаторлар ишлаб чиқариш—64 процент, металл кирқучи станоклар ишлаб чиқариш—65 процент, автомобиллар ишлаб чиқариши—55 процент, тракторлар ишлаб чиқариш—69 процент, экскаваторлар ишлаб чиқариш—48 процент, химия ускуналари ишлаб чиқариш — 35 процент, электровозлар ишлаб чиқариш — 40 процент, пассажир вагонлар ишлаб чиқариш — 89 процент, темирчилик-пресс машиналари ишлаб чиқариш — 29 процент, цемент ишлаб чиқариш — 32 процент, шифер ишлаб чиқариш — 56 процент, томга ёпиладиган юмшоқ материаллар ишлаб чиқариш — 27 процент, дераза ойнаси ишлаб чиқариш—86 процент, картон ишлаб чиқариш—12 процент, қоғоз ишлаб чиқариш—56 процент, шерсть газлама ишлаб чиқариш — 39 процент, зиғир толасидан тўқиладиган газлама ишлаб чиқариш—56 процент, кўн пойафзал ишлаб чиқариш—36 процент, шакар ишлаб чиқариш—63 процент, гўшт тайёрлаш—63 процент, консерва тайёрлаш—51 процент ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 64 процент оширилсин.

6. Хомашёни, ёқилғини, электр қувватини, металларни ва бошқа материал ресурсларини энг рационал сарфлаш, хомашёни қайтадан ишлаганда ундан комплекс фойдаланиш, хомашё ва материалларни сарфлаш нормаларини камайтириш, хомашё материаллар ва рангли металларнинг камчил ҳамда қимматга тушадиган турларининг ўрнини босадиган материалларни ишлатиш та'минлансин. Ишлабчиқаришда хомашёни такрор ишлаш, шунингдек тежамли материалларнинг янги турларини қўлланиш кенгайтирилсин. Ишлабчиқаришда материалларнинг нобуд бўлиши, хусусан брақдан нобуд бўлиши кескин суратда камайтирилсин.

7. Меҳнат унумдорлигини янада ошириш асосида, хомашё, материаллар, ёқилғи ва электр қувватининг маҳсулот единицасига сарфланишини камайтириш, ма'мурий идора харажатлари ва бошқа қўшимча харажатларни анча камайтириш асосида бешйиллик мобайнида саноат маҳсулотининг таннархи камида 17 процент пасайтирилсин.

8. 1956—1960 йиллар ичида ишлаб турган ва қурилаётган корхоналарнинг минерал-хомашё базаларини зарур даражада кенгайтиришни ва саноатни, биринчи галда мамлакатнинг шарқий районларидаги саноатни янада ривожлантириш учун фойдали қазилмаларнинг аниқланган запаслари резервини вужудга келтиришни та'минлайдиган ҳажмларда геология разведка ишлари олиб борилсин.

Темир рудаси ва никели кўп бўлган ҳамда аниқланган запасларни бешйиллиқнинг бошида бўлган запасларга нисбатан 30—35 процент миқдорида ошириш, мис боксит, титан, фосфорит ва бўр хомашёни 40—45 процент, ниобийни 50—55 процент, кўргошин ва қалайини 55—60 процент, молибденни 65—70 процент, симобни 75—80 процент, нефтьни 65—70 процент ошириш, шунингдек энергия берадиган кўмир чиқариладиган шахталар майдонини 35 — 40 процент миқдорида ва кокслануви кўмир чиқариладиган шахталар майдонини камида 40 процент миқдорида ошириш та'минлансин.

Мамлакатнинг шарқий районларида янги нефть конлари, газ, рангли ва нодир металлар, титан чиқариладиган конларни, ферромарганец ишлаб чиқариш учун керакли марганец рудалари чиқариладиган янги конларни қидириб топиш соҳасидаги ишлар бутун чоралар билан кенгайтирилсин. Донец, Печора, Кузнецк ва Жанубий-Якутия ҳавзаларида кокслануви кўмир чиқариладиган янги шахталарни тайёрлаш, Қозогистонда кули кам бўлган ва кокланадиган кўмир ҳамда Иттифоқнинг Европа қисмида, Уралда ва Ўрта Осиёда энергия берадиган кўмир чиқариладиган янги шахталарни тайёрлаш соҳасида геология разведка ишлари кучайтирилсин.

9. **Қора металлургия** соҳасида қора металлар ишлаб чиқаришни ва хусусан легирли пўлат, майда сортли пўлат, катанкалар, калибрли пўлат, инструментал ва электротехника пўлати, биметалл листлар ва профилли трубалар ишлаб чиқаришнинг тез сур'атлар билан оширилиши та'минлансин; лист, полоса ва лентадан эгилган фасонли профиллар ишлаб чиқариш уюштирилсин. Бешйиллик мобайнида оз легирли пўлат ишлаб чиқариш тахминан 17 баравар, динам пўлат ишлаб чиқариш—97 процент, трансформатор пўлати ишлаб чиқариш—2,1 баравар, листли прокат ишлаб чиқариш—85 процент, шу жумладан юпқа листли прокат ишлаб чиқариш—2,2 баравар ва совуқ усулда катка қилинган лист ишлаб чиқариш—4 баравар, майда сортли прокат ишлаб чиқариш—93 процент, катанкалар ишлаб чиқариш—2,1 баравар, катта диаметрли сварка трубалари ишлаб чиқариш—2,7 баравар, пўлат симлар ишлаб чиқариш—3 баравар, оддий симлар ишлаб чиқариш 2,4 баравар, совуқ катанка усулда тайёрланадиган лентлар ишлаб чиқариш 76 процент, пўлат трос ишлаб чиқариш 80 процент ва СССР Қора металлургия министрлиги бўйича мустаҳкамловчи буюмлар ишлаб чиқариш 4,4 баравар оширилсин.

1960 йилда **электр пўлат** эритиш 1955 йилдагига нисбатан 79 процент, кокс қуйдириш—48 процент ва темир руда чиқариш 59 процент оширилсин. Асосий қисми оширилган офлюсланган агломерат ишлаб чиқариш 1960 йилда 73 миллион тоннагача етказилсин.

1960 йилда СССР Қора металлургия министрлиги бўйича барча домна ферросплавларни кислород ёрдами билан пуфлаш усулини қўлланиб қуйиш ва ишлаб чиқариладиган жам'и пўлатнинг, шу жумладан бутун конвертер пўлатнинг тахминан 40 процентини кислород ёрдами билан қуйиш та'минлансин. Конвертерларда ва электр печьларда дуплекс-процесс билан электр пўлат ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Пўлатни вакуум шаклида эритиш ва қуйиш бутун чоралар билан кенгайтирилсин. Трубаларни марказдан қочириш ва ярим узлуксиз равишда қуйиш ҳамда тунукани электролит усулда оқлаш анча кенгайтирилсин. Пўлатни узлуксиз қуйишдаги юқори унумли усул, я'ни маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва яроқли маҳсулот чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган усул кенг миқ'ёсда қўлланилсин. Пўлат қуйиш печьларини ўтга ғоят чидамли материаллардан ясалган футеровкага кўчириш тугаллансин.

Олтинчи бешйилликда капитал қурилиш ҳисобига тахминан 16,8 миллион тонна чўян, 15,8 миллион тонна пўлат, 16,3 миллион тонна прокат ва 84 миллион тонна темир рудаси тайёрлаб берадиган ишлабчиқариш қувватлари ишга туширилсин. Бешйиллик мобайнида зангламайдиган пўлат ва иссиққа чидамли эритма ишлаб чиқариш қуввати 3,2 баравар, шу жумладан иссиққа чидамли қуйилмалар ишлаб чиқариш қуввати 6 баравардан зиёд оширилсин. Иккита йирик метиз заводи қурилиб ишга туширилсин; камида 800 минг тонна қувватли ағилган профиллар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган цехлар вужудга келтирилсин. Ферросплав заводларининг қуввати оширилсин. Шарқда марганец рудаси чиқарадиган корхоналар ишга туширилсин. Янги конларда темир ва марганец рудаларини ўзлаштириш ва чиқариш та'минлансин.

10. **Рангли металлургия** соҳасида 1960 йилда тозаланган мис ишлаб чиқаришни 1955 йилдагига нисбатан тахминан 60 процент, алюминий ишлаб чиқаришни 2,1 баравар, кўргошин ишлаб чиқаришни 64 процент, молибден маҳсулот ишлаб чиқаришни 2 баравар, вольфрам концентратлари ишлаб чиқаришни 57 процент, товар магний ишлаб чиқаришни 2,1 баравар кўпайтириш кўзда тутилсин. Титан ва нодир металлар, чунончи германий, цирконий, ниобий, тантал ва бошқа металларни ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин. Электроникани, радиотехникани ва иссиққа чидамли қуйилмалар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни та'минлаш учун юқори частотали рангли камчил металлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Рангли металлургияда гоят унумли янги технология процесслари, чунончи: рудаларни кўп стадияли саралаш усули, саралашнинг комбинациялаштирилган методлари ва рудаларни гидрометаллургик қайта ишлашнинг комбинациялаштирилган методларини, «қайнаб турган қатламда» куйдириш усулини, электротермик ва автоклав процессларини, кислородни қўллаш кенг татбиқ этилсин. Бешйиллик мобайнида рангли металл рудаларини очиқ усулда чиқариш 2,2 баравар оширилсин ва ялпи қулатиш системаларини қўлланиб, ер тагидан руда чиқариш анча кўпайтирилсин. Металлар чиқариб олиш кўпайтирилсин ва хомашёни комплекс равишда қайта ишлаш уюштирилиб, руда ҳамда газларда бўлган олтингугуртдан сульфат кислота ишлаб чиқариш учун фойдаланилсин. Рангли металлар ҳосил қилишдаги тежамли процесслари қидириб топиш соҳасидаги, шунингдек нодир металлар ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш ва ўзлаштириш ҳамда ана шу металларнинг хусусиятларини ва улардан фойдаланиладиган тармоқларни ҳартомонлама ўрганиш соҳасидаги илмий-текшириш ишлари ва тажриба ишлари кучайтирилсин.

Олтинчи бешйиллик мобайнида дастлабки алюминий ишлаб чиқариш қуввати тахминан 2,7 баравар, тозаланган мис ишлаб чиқариш—50 процент, кўргошин ишлаб чиқариш—54 процент, цинк ишлаб чиқариш—1,8 баравар, никель ишлаб чиқариш—1,7 баравар ва рангли металлургия корхоналарида сульфат кислота ишлаб чиқариш 5,2 баравар кўпайтирилсин.

11. **Кўмир саноати** соҳасида кўмир чиқаришнинг халқ хўжалигининг ёқилғига бўлган ва ортиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдан кейинда қолишига хотима берилсин ва давлат ихтиёрида ёқилғининг зарур запаслари тўпланиши та'минлансин.

Донец ва Кузнецк ҳавзаларида, Львов-Волин конлари ва Экибастуз конларида кўмир чиқариш бутун чоралар билан ривожлантирилсин, шунингдек Қустанай областида янги кўмир конларини ҳамда Кемерово областидаги Итат конларини ўзлаштиришга киришилсин. 1960 йилга келганда кокслаштириш учун чиқариладиган кўмир миқдори йилига тахминан 118 миллион тоннага етказилсин.

Кўмир конларини очишдаги янги самарали методлар ва конларни ишлаш системаларини қидириб топиш, проектлаш ва жорий қилиш соҳасидаги, конларда янги техниканы вужудга келтириш ҳамда жорий қилиш ва мавжуд кончилик машиналари ҳамда механизмларидан фойдаланишни яхшилаш соҳасидаги ишлар кучайтирилсин.

Очиқ усулда кўмир чиқаришни янада ривожлантириш та'минлансин, 1960 йилда очиқ усулда чиқарилган кўмир миқдори тахминан 122 миллион тоннагача етказилсин, шунингдек ер тагидан гидравлик усулда кўмир чиқаришни ривожлантириш та'минлансин.

СССР Кўмир саноати министрлиги бўйича бешйиллик мобайнида кўмир шахталари ва разрезларнинг йилига тахминан 240 миллион тонна кўмир чиқариш имконини берадиган қувватлари ишга туширилсин. Шахта стволларини қазиб ўтиш ва конлардаги бошқа капитал ишларни бажариш сур'ати тахминан 2 баравар оширилсин. Ишлаб турган ва янгидан эксплуатацияга топширилаётган кўмир шахталарининг проектда белгиланган қувватларини ўзлаштириш тезлаштирилсин. Кўмирнинг сифати яхшилансин ва бунинг учун саралаш фабрикаларида кўмирни қайта ишлаш тахминан 85 процент ва кўмир брикетларини ишлаб чиқариш 2 баравар кўпайтирилсин.

Саралаш вақтида кўмир чиқиндиларининг кўпайиб кетиши орқасида унинг нобуд бўлиши кескин суратда камайтирилсин, кўмирни саралаш технологияси яхшилансин, кўмирни саралашдаги янги, янада самарали методлар ўзлаштирилсин ва жорий қилинсин.

Бешйиллик мобайнида ёнилғи ўрнида ишлатиладиган сланецлар ишлаб чиқаришни камида 67 процент, торф чиқаришни 44 процент, шу жумладан фрезер торфи чиқаришни 73 процент ошириш та'минлансин.

12. **Нефть саноати** соҳасида нефть чиқариш ва нефтьни қайта ишлашни ғоят тез сур'атлар билан кўпайтириш та'минлансин, тиниқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш тахминан 2 баравар ва машина мойи ишлаб чиқариш 1,8 баравар кўпайтирилсин.

Нефть конларида қатламларга сун'ий тазйиқ кўрсатиш методларини қўлланиб, нефть чиқариш салмоғи 82 процентгача етказилсин. Бўш қатламларни гидравлик усулда қисиб нефть чиқариш методи такомиллаштирилсин ва кенг қўлланилсин.

Эксплуатацион пармалаш вақтида нефть ва газ қудуқларини пармалашнинг ўртача тезлиги камида 85 процент ва разведка мақсадида пармалаш вақтида пармалаш тезлиги 95 процент оширилсин. Пармалаш ишларининг қиймати тахминан 30 процент камайтирилсин.

Нефть разведка қилишнинг янги самарали методларини комплекс равишда қўлланиш та'минлансин ва разведка ишларининг техника воситалари такомиллаштирилсин.

Нефтьни қайта ишлашни янада кучайтириш кўзда тутилсин. Автотрактор ёнилғиси ва мойининг сифати яхшилансин: бензинининг антидетонацион хусусиятлари яхшилансин, дизель ёнилғисида олтингугурт ва парафин моддалари камайтирилсин, автол ва дизель мойи қуюқ бўлсин ва уларнинг эксплуатацион хусусиятлари яхшилансин. Қурилаётган ва реконструкция қилинаётган нефть қайта ишлаш заводларида нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги, янада мукаммал технология процесслари ва методлари жорий қилинсин.

Нефтьни қайта ишлайдиган янги заводларни, магистрал трубопроводларни қуриш сур'атлари тезлатилсин ва уларни қуриш максимал даражада арзонлаштирилсин. Бешйиллик мобайнида янги заводлар қуриш ҳисобига дастлабки қайта ишланадиган нефть миқдори камида 45 миллион тоннагача оширилсин ва крекинг қилинадиган хомашё миқдори камида 26 миллион тонна кўпайтирилсин.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан

КПСС XX С'ЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИ

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА).

13. **Газ саноати** бутун чоралар билан ривожлантирилсин, халқ хўжалигида газдан химия хомаш'ёси ва ёқилғи сифатида фойдаланиш, шунингдек маиший эҳтиёжлар учун фойдаланиш кучайтирилсин. Бешйиллик мобайнида газ чиқариш ва ишлаб чиқариш тахминан 3,9 баравар оширилсин. Янги газ конларини қидириб топиш соҳасида геология-қидириш ва разведка ишлари кучайтирилсин ҳамда бешйиллик мобайнида саноат учун керакли газ запасларининг 85—90 процент кўпайиши та'минлансин.

Янги газ конлари—Ставрополь, Шебелинка, Степное газ конларини саноат учун ишга тушириш та'минлансин ва Сибирьдаги Березово газ кони эксплуатацияга тайёрлансин.

Тахминан 9 минг километр узунлигидаги магистрал газопроводлар, шу жумладан энг йирик газопроводлар, чунончи: Ставрополь—Москва, Дашава—Минск—Ленинград (Вильнюс ва Рига шохобчалари билан бирга), Ставрополь—Невинномисск — Минеральные Води — Грозний, Шебелинка—Харьков, Курск—Орёл—Брянск, Қозон — Горький магистрал газопроводлари қурилиб ишга туширилсин. Березово—Свердловск ва Грозний—Тбилиси газопроводларини қуришга киришилсин.

14. **Электрлаштириш** соҳасида қурилиш сур'атлари тезлатилсин ва қурилиш ишларининг сифати яхшилансин; тепловой электростанциялар, гидроэлектростанциялар, электр шохобчаларини ва тепловой шохобчаларнинг техника даражасини янада ошириш та'минлансин. Саноатда электр қувватидан фойдаланиш билан бирқаторда, транспорт ва қишлоқ хўжалиги, янада кенгроқ миқ'ёсда электрлаштирилсин, шунингдек шаҳарларни электр қуввати билан та'минлаш яхшилансин.

Бешйиллик мобайнида турбинали электростанцияларнинг умумий қуввати тахминан 2,2 баравар, гидроэлектростанцияларнинг қуввати 2,7 баравар оширилсин ва Электростанциялар министрлигига қарашли 35—220 киловольт қувватли электр шохобчаларининг узунлиги 2,2 баравар оширилсин.

Куйбишев ва Сталинград гидроэлектростанциялари қурилиши тугалланиб, улар тўла қувват билан ишлайдиган қилинсин; Волгада 1 миллион киловатт қувватли Саратов гидроэлектростанцияси қурилиши кучайтириб юборилсин, Камада 540 минг киловатт қувватли Воткинск гидроэлектростанцияси қурилиши тугаллансин; салкам 900 минг киловатт қувватли Қуйи Кама гидроэлектростанциясини ва Волгада салкам 800 минг киловатт қувватли Чебоксари гидроэлектростанциясини қуришга киришилсин.

450 минг киловатт қувватли Кременчуг ГЭСи ва 250 минг киловатт қувватли Днепродзержинск ГЭСи қурилиб ишга туширилсин.

СССРнинг шарқий районларида жуда катта гидроэлектростанциялар қурилиши кучайтириб юборилсин. Ангарада 660 минг киловатт қувватли Иркутск гидроэлектростанцияси, проектга мувофиқ жам'и 3 миллион 200 минг киловатт электр қуввати берадиган Братск гидроэлектростанциясининг биринчи навбати ва Обь дар'ёсида 400 минг киловатт қувватли Новосибирск гидроэлектростанцияси ишга туширилсин. Енисей дар'ёсида 3 миллион 200 минг киловатт қувватли Красноярск гидроэлектростанцияси ва Обь дар'ёсида 500 минг киловатт қувватли Каменск гидроэлектростанциясини қуришга киришилсин.

Куйбишев ва Сталинград гидроэлектростанцияларини Марказий, Жанубий ва Уральск энергосистемалари билан бирлаштириб, СССР Европа қисмининг ягона энергетика системаси вужудга келтирилсин, шу мақсадда 400 киловольт қувватли электр симлари ўтказилсин. Марказий Сибирьнинг ягона энергетика системасини (Новосибирскдан тортиб Иркутскгача) вужудга келтириш соҳасидаги ишлар кучайтириб юборилсин. Грузия, Озарбайжон ва Армания энергосистемалари бирлаштирилсин.

Олдатдагидек 100 минг, 150 минг ва 200 минг киловатт қувват берадиган агрегатлар ўрнатиб, кўп қувват берадиган электростанциялар қуриш ва ана шундай электростанцияларни ёқилғи чиқариладиган районларда жойлаштириш йўли билан йирик энергосистемаларда район тепловой электростанцияларининг қуввати оширилсин.

Саноат корхоналарини ва йирик шаҳарларни тобора теплофикациялаш та'минлансин ва тепловой шохобчалар қурилишидаги қолоқлик тугатилсин.

СССРнинг Европа қисмидаги ягона энергетика системасида ва бошқа йирик энергетика системаларида электр қувватининг камида 10 процентгача эксплуатацион резервларини вужудга келтириш кўзда тутилсин.

Электростанциялар ишидаги тежамликни янада ошириш ва бу ишларнинг қийматини камайтириш мақсадида ёқилғи билан ишлайдиган катта электростанцияларда температураси 565° С гача бўлгани ҳолда бир босими 130 атмосферада бўлган ҳамда бугни ўрталикда қиздириб берадиган усқуналар кенг қўлланилсин ва блок схема: қозон—турбина схемасини жорий қилиш та'минлансин. Температураси 600° С гача бўлгани ҳолда бир босими 220 атмосферада бўлган 200 минг киловатт қувватли турбина блокларини саноатда ишлатиш ўзлаштирилсин. Температураси 650° С гача бўлгани ҳолда бир босими 300 атмосферагача бўлган 300 минг киловатт қувватли турбина блоки ишга туширилсин, шунингдек бирқанча тажрибавий ва саноат газ-турбинали электростанциялари ишга туширилсин. Ёқилғи билан ишлайдиган кам тежамли бирқанча электростанциялар юқсак параметрли буғ қўлланиш йўли билан техника жиҳатидан реконструкция қилинсин.

Кучли босимдаги электр қувватини доимий ток қилиб симлар орқали юборишни амалга оширилсин, бунинг учун доимий ток юбориладиган Сталинград ГЭС—Донбасс электр линияси ишга туширилсин.

15. **Химия саноатини** тез сур'атлар билан ривожлантириш ва айниқса халқ хўжалигининг турли тармоқларида техникани тараққий эттиришни та'минламоқ учун зарур бўлган химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тез сур'атлар билан ривожлантириш кўзда тутилсин.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишни та'минлайдиган химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин; концентратлаштирилган минерал ўғитларнинг янги турларини ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига ва касалликларига қарши курашмоқ учун янги, янада кўпроқ натижа берадиган заҳарли химикатлар ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Концентратлаштирилган фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириб, уларни йилига тахминан 1 миллион тоннагача ишлаб чиқариладиган бўлинсин.

Қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашда сарф бўладиган меҳнатни анча камайтиришни та'минламоқ учун ёввойи ўтларга қарши курашишга керак бўладиган химикатларни катта саноат миқ'ёсларида кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

Минерал ўғитлар учун хомаш'ёни—апатит концентрати, фосфоритлар ишлаб чиқариш, шунингдек табиий олтингугурт конларидан фойдаланиш, олтингугурт-мис рудаларини ва таркибида олтингугурт бўлган газларни қайта ишлаш негизида олтингугурт ҳамда сульфат кислота ишлаб чиқариш кескин равишда кўпайтирилсин. Аммиак ишлаб чиқариш тахминан 87 процент ва сульфат кислота ишлаб чиқариш 91 процент кўпайтирилсин.

Техника мақсадлари учун сарф бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнига олтинчи бешйилликда тўла равишда синтетик ҳомаш'ё ишлатиладиган бўлиши учун синтетик каучук, спирт, ювиш воситалари ва бошқа химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун нефть газларидан, табиий газлардан ва нефть маҳсулотларидан фойдаланишни кескин равишда оширишни химия ва нефть саноатларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобласин. Синтетик каучук ишлаб чиқариш тахминан 2,2 баравар кўпайтирилсин. Кокс газидан ва кўмирни коксланш натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотлардан яхшироқ фойдаланиш йўли билан химикатлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Машинасозлик, радиотехника учун ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун синтетик смолалар, юқори сифатли пластмассалар ва бўёқлар, пластмасслар, электр-изоляция материаллари, синтетик материаллар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин ва буларнинг ассортименти кенгайтирилсин. Сун'ий тола учун синтетик материаллар ишлаб чиқариш 5,9 баравар кўпайтирилсин. Автомобиль шиналари ишлаб чиқариш тахминан 2 баравар кўпайтирилсин.

Янги эффектив технологик процесслар ва иш унуми юқсак даражада бўлган ускуналар химия санотида кенг жорий қилинсин.

Бешйиллик мобайнида Химия саноати министрлиги корхоналарида аммиак ва каустик содалар ишлаб чиқарадиган ускуналарнинг қуввати тахминан 1,7 баравар, синтетик каучук ишлаб чиқарадиган ускуналарнинг қуввати 2,3 баравар кўпайтирилсин.

16. **Машинасозлик** соҳасида ускуналар ва машиналарнинг, станоклар, пресслар, аппаратлар ва приборларнинг иш унуми юқсак даражада бўлган янги турларини ишлаб чиқаришни янада ўзлаштириш ва кенг ривожлантириш энг муҳим вазифа деб ҳисобласин. Машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бет йил мобайнида тахминан 80 процент кўпайтирилсин.

Машинасозлик корхоналарининг техника даражаси кескин равишда оширилсин. Металл ишлайдиган ускуналар анча янгиласин ва модернизация қилинсин. Машинасозлик корхоналарида заготовкалар ишлаб чиқаришда янги прогрессив методларни қўлланиш кенгайтирилсин. Иш унуми юқсак даражада бўлган машиналарнинг янги конструкцияларини қисқа муддат ичида яратиш соҳасида илмий-текшириш, конструкторлик ва тажриба ишлари кенг авж олдирилсин.

Энг муҳим машинасозлик корхоналарида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган лабораториялари бўлган эксперимental цехлар барпо қилиш кўзда тутилсин.

Машиналар конструкциясини яхшилаш, уларнинг габаритларини ва оғирлигини камайтириш, легирли ва оз легирли пўлатлар, енгил қотишмалар, пластмасслар, прокатнинг тежамли профилларини қўлланишни кенгайтириш ҳамда чиқитсиз қуйилмалар ва темирчилик заготовкалари тайёрлашнинг замонавий методларини жорий қилиш йўли билан сарф бўладиган металл салмоғи камида 22 процент камайтирилсин.

Станокозликда ихтисослаштирилган, махсус ва кўп позицияли агрегат станоклар ишлаб чиқариш 2,4 баравар, автомат цехлар ҳамда заводлар учун автомат ва ярим автомат линиялар ва ускуналар ишлаб чиқариш тахминан 5 баравар кўпайтирилсин. Чиқарилаётган ҳамма станоклар орасида энг прогрессив группалардан бўлган металл қирқиш станокларининг салмоғи кўпайтириліб, бешйилликнинг охиригача камида 50 процентга етказилсин; ёғочсозлик саноати учун ускуналар ишлаб чиқариш, шу жумладан автомат линиялар, автомат ва ярим автомат станоклар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Оғир темирчилик-пресс машиналари ва металл қуядиган ускуналар ишлаб чиқаришни металл қирқадиган станоклар ишлаб чиқаришнинг ўсишига қараганда анча тезроқ ўстириш та'минлансин. Темирчилик-пресс ускуналар, айниқса кучли гидравлик, механик чўкичлаш-штамплаш ҳамда чеканка қилиб ясаш пресслари, горизонтал-чўкичлаш машиналари ва висадочний автоматлар, шу жумладан металлни электр кучи билан қиздирадиган автоматлар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Оғир темирчилик-пресс машиналар ишлаб чиқариш камида 4 баравар ва металл қуйиш ускуналари ишлаб чиқариш камида 8 баравар кўпайтирилсин.

Металл қирқиш ускуналари, темирчилик-пресс машиналари ва металл қуйиш ускуналари ишлаб чиқариш бўйича зарур қувватлар ва биринчи навбатда автомат линиялар, махсус ва агрегат станоклар ишлаб чиқарадиган заводлар ишга туширилсин.

Оғир машинасозлик соҳасида иш унуми юқсак даражада бўлган, тўла равишда механизациялаштирилган ҳамда максимал равишда автоматлаштирилган прокат станлари ва биринчи навбатда металлни узлуксиз лист қилиб чиқариб бериб турадиган, сортли металларни ва трубаларни узлуксиз прокат қилиб чиқариб бериб турадиган станлар, эгилма профиллар ҳамда периодик прокат ишлаб чиқариш учун керакли станлар, катта ва кичик диаметрли электр қуйма трубалар ишлаб чиқариш учун агрегатлар, прокат ишлаб чиқаришда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш учун ускуналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш та'минлансин. Беш йил мобайнида прокат ускуналар ишлаб чиқариш 82 процент кўпайтирилсин.

Шахталар учун 25 тоннагача юк кўтарадиган катта кўтарма машиналарни, турли геологик шароитда ишлайдиган кўмир комбайинларини, ковшининг ҳажми 25 кубометр бўлган ва стреласининг узунлиги 100 метр бўлган экскаватор-драглайнларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Ернинг энг чуқур қатламларидан нефть чиқариб берадиган нефть аппаратларининг янги турларини ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Парчалаш усқуналарининг барлари модернизация қилинсин ва яна ҳам такомиллаштирилган янги парчалаш ускуналари ва иш унуми юқсак даражада бўлган газомотокомпрессорлар вужудга келтирилсин.

Торф саноатини механизациялаштирмоқ учун ускуналар ишлаб чиқариш беш йил мобайнида камида икки баравар кўпайтирилсин.

Энергетика машинасозлигида ва электротехника саноатида қозон ва турбина агрегатларининг ҳамда электр ускуналарининг сифати ва техника-иқтисодий кўрсаткичлари оширилсин. Буғ турбиналарининг, қозонларнинг ва электростанциялардаги бошқа ускуналарнинг ишини комплекс автоматлаштирган ҳолда буғ параметри анча юқсак даражада бўлган янги энергетика ускуналари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш та'минлансин. Қуввати 200 ва 300 минг киловатт бўлган буғ турбиналари ва шу турбиналар учун қозонлар конструкцияси қуввати 300 минг киловатт бўлган ва обмоткаси махсус равишда совутиладиган буғ турбиналари учун йирик генераторлар ҳамда гидроэлектростанциялар учун қудратли генераторларнинг конструкцияларя ишлаб чиқилсин ва уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Стационар ҳамда транспорт газ-турбина установкаларини, шунингдек кўчма газтурбина электростанцияларни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

Қуввати 400 киловольтдан кўпроқ бўлган ўзгаручи ток электр ускуналари яратиш соҳасида илмий-текшириш ишлари олиб борадиган экспериментал база ташкил этилсин; доимий электр токи юбориладиган юқори вольтли линиялар учун электр ускуналар ва электр аппаратлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин ва уларни ишлаб чиқариш та'минлансин.

Бир йўла 180 тоннагача металлни электр кучи билан эритиб берадиган ва эритилаётган металлни электр магнит усули билан кориштириб турадиган катта печьларни ишлаб чиқариш ҳамда ферросплавлар эритиб бермоқ учун ёниқ колошникли электр печьларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Ярим ўтказгичлардан куч випрямительлари ҳамда электр ускуналар учун янги синтетик электр изоляция материаллари ишлаб чиқарини ўзлаштирилсин. Кремнеорганик ва шиша изоляцияларни қўлланиш анча кенгайтирилсин.

Юқори вольтли аппаратларнинг, юқори вольтли кучли випрямительларнинг ва транспортни электрлаштирмоқ учун, қора ва рангли металлургия учун ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун керакли випрямительларнинг янги замонавий типларини ишлаб чиқарадиган ишлабчиқариш базасини кенгайтириш тезлаштирилсин.

Радиотехника саноати ва приборсозлик саноати, айниқса технология процесларини контроль қилмоқ ва бошқармоқ учун приборлар ишлаб чиқариш ҳартомонлама ривожлантирилсин.

Беш йил мобайнида приборлар ва автоматизация воситалари ишлаб чиқариш тахминан 3,5 баравар кўпайтирилсин, шу жумладан технология процесларини контроль қилмоқ ва автоматик равишда бошқариб турмоқ учун керакли приборлар ишлаб чиқариш — 4 баравар, ҳисоб ва ҳисоб-аналитик машиналар ишлаб чиқариш — 4,5 баравар, электр ўлчов приборлари ишлаб чиқариш — 3,6 баравар, оптика-механика приборлари ишлаб чиқариш — 3 баравар кўпайтирилсин. Радио ўлчов приборлари номенклатураси кенгайтирилсин ва бундай приборларни ишлаб чиқариш камида 3 баравар кўпайтирилсин. Электр-вакуум приборлари ишлаб чиқариш 2,6 баравар кўпайтирилсин.

Приборсозликнинг, радио техниканинг ва электрониканинг илмий-текшириш ҳамда лаборатория базаси ривожлантирилсин ва бу базани техника билан та'минлаш кескин равишда яхшиласин. Мураккаб математика масалаларини ечиш учун тез ҳисоблаб берадиган автомат машиналарни ҳамда ишлабчиқариш процесларини бошқаришни автоматлаштириш учун ҳисоблаш-математик машиналарни конструкция қилиш ва ишлаб чиқариш ишлари кучайтирилсин. Тайёрланаётган приборларнинг аниқ ишлаш даражаси оширилсин ва уларнинг сифати яхшилансин. Физика, электроника ва радиотехниканинг кейинги муваффақиятларидан фойдаланишга асосланган янги автоматика воситаларини ишлаб чиқиш та'минлансин. Полупроводник приборлар ясаш соҳасида илмий-текшириш ишлари кенг авж олдирилсин ва бундай приборлардан амалда фойдаланиш кенгайтирилсин.

Бешйилликнинг охиригача люминесцент лампалар ишлаб чиқариш 10—15 баравар кўпайтирилсин ва ичи криптон билан тўлдирилган лампалар ишлаб чиқариш йилига 100 миллион донага етказилсин.

Каналлари кўп бўлган радиорелей ҳамда кабель линиялар учун аппаратлар ишлаб чиқариш, алоқа процесларини автоматлаштириш учун ишлатиладиган приборлар ишлаб чиқариш, радио алоқа ва сим орқали алоқа аппаратлари, шунингдек автомат телефон станциялар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Умумсаноат учун мўлжалланган приборлар ясаш соҳасида ишлабчиқариш базасини кенгайтириш мақсадида олтинчи бешйилликда 32 та приборсозлик заводи қурилсин ва ишга туширилсин.

Транспорт машинасозлиги соҳасида электровозлар ва тепловозлар ишлаб чиқариш ривожлантирилсин ва магистраль паровозлар чиқариш тўхтатилсин; газо-турбовозлар яратилсин. Тепловозлар, кемалар учун янги кучли дизеллар ва стационар дизельларни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Саноатбоп частотали ўзгаручан ток берадиган линиялардан қувват олиб ишловчи магистраль электровозларни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. 90 — 100 тонна юк ортадиган универсал юк вагонлари, яримвагонлар ва думпкарлар, шунингдек цемент ташийдиган махсус вагонлар конструкцияси ишлаб чиқилсин ва шундай вагонлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Гилдиракларига подшипниклар ўрнатилган янги локомотивлар ва вагонларни ҳамда ҳавони тозалаб бериб турадиган установкалар ўрнатилган пассажир вагонларни кўплаб ишлаб чиқариш та'минлансин.

Автомобиль саноатида юк автомобильлари ишлаб чиқариш сон жиҳатидан тахминан 32 процент (умумий юк ортиш қуввати жиҳатидан — 45 процент), автобуслар ишлаб чиқарини — 88 процент, енгил автомобильлар ишлаб чиқариш — 86 процент, автомобиль ва трактор прицеплари ишлаб чиқариш — 4,3 баравар ва автомобилларга керакли запас қисмлар ишлаб чиқариш 2,2 баравар кўпайтирилсин. Автомобилларнинг, автобусларнинг ва двигателларнинг эскириб қолган модельлари эксплуатация кўрсаткичлари анча юқори даражада бўлган янги моделлар билан алмаштирилсин. 40 — 50 тоннагача юк ортадиган самосвал автомобиллар ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Ҳарқандай йўлларда юраоладиган автомобильлари, махсуслаштирилган юк автомобильларини, такомиллаштирилган автоприцепларни ва ҳаркил ишбоп яримприцепларни ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлигида чопиқ тракторлари ишлаб чиқариш тахминан 2,7 баравар кўпайтирилсин, тракторларнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари яхшилансин, анча тежамли бўлган ва камроқ металл ишлатилиб ясаладиган ўрмаловчи ва гилдиракли тракторларнинг ҳамда ўзиюрар шасиларнинг янги типлари ишлаб чиқилсин ва уларни ишлаб чиқаришга киритилсин.

Гидромеханизмлар билан ускуналанган тракторларни ишлаб чиқариш та'минлансин, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун қуввати 140 ва 250 от кучига эга бўлган тракторларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Деҳончилик, чорвачилик соҳасидаги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ишларни комплекс равишда механизациялаш учун ишлатиладиган ҳамда мамлакатнинг турли қишлоқ хўжалик зоналаридаги шароитларга мосланган қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш ривожлантирилсин, тракторларга ўрнатиб ишлатиладиган осма ва яримосма қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда асбобларини кенг номенклатурада ишлаб чиқиш ва ишлабчиқаришга жорий қилиш та'минлансин, токи шу бешйилликда асосан осма ва яримосма машиналар ва асбоблар ишлаб чиқаришга ўтилсин, тирков машиналари конструкциясига шу машиналарни бевосита трактор ўзи бошқарадиган механизмлар жорий қилинсин.

Галла экинларининг ҳосилини хирмансиз, ўриб-йиғиб берадиган машиналарини — виндроуэрларини, шунингдек галла комбайнларига ўрнатиладиган подборщикларини ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин.

Чорвачилик фермаларида кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштирадиган машиналар ва асбобларни ишлаб чиқариш, ем-хашак тайёрламоқ учун хашакни йигиштириб олиб, пресслаб берадиган ва йигиштириб олиб, ғарамлаб берадиган машиналарни ва бошқа хил машиналарни ишлаб чиқариш, ўғит соладиган машиналарни ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, ёввойи ўтларга қарши ва қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига қарши курашиш воситаларини кенг равишда қўлланишни та'минлайдиган машиналарни, шунингдек юк ортиш ва юк тушириш механизмларини ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Ёғингарчилик кўп бўладиган районларда ишлаш учун, айниқса пояси узун бўлган серҳосил экинларнинг ҳосилини ўриб-йиғиб олиш учун тиркаладиган, ўзиюрар ва бевосита ўзи ишлайдиган галла комбайнларининг янги хиллари, шунингдек маккажўхорини, пахта, картошкани йиғиб-териб берадиган машиналарнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг янги хиллари ишлабчиқаришга жорий қилинсин.

Умумий машинасозлик тармоқларида химия саноати учун иш унуми юқсак даражада бўлган ускуналар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин. Қора металлургия учун соатига 10 — 30 минг кубометр кислород берадиган установкалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Электровакуум, кабель, электротехника ва қоғоз саноати учун иш унуми юқсак даражада бўлган янги технологик ускуналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин; тўқимачилик саноати ва енгил саноат учун янги тўқув автоматлари, газламаларни узлуксиз оҳорлаб берадиган агрегатлар, сун'ий тола ва тери ишлаб чиқарадиган комплекс агрегатлар ҳамда жуда тез ишлайдиган бошқа хил ускуналар ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Озиқ-овқат саноати учун автомат ускуналарнинг янги турларини, совутадиган ускуналарни ҳамда балиқ овлайдиган кемаларда ва балиқ маҳсулотларя ишлаб чиқарадиган корхоналарда балиқни тозалаш ва тилишлаш ишларини механизациялаштирадиган ускуналарни ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Бинокорлик машинасозлиги ва йўл машинасозлиги анча ривожлантирилсин. Экскаваторлар ишлаб чиқариш тахминан 3 баравар, автогрейдерлар ишлаб чиқариш — 4 баравар, темирбетон буюмлар тайёрлаб берадиган комплекс ускуналар ишлаб чиқариш — 5 баравар, йирик девор блоклар ва бетон блоклар ишлаб чиқарадиган ускуналарни ишлаб чиқариш 10 баравар кўпайтирилсин. Цемент саноати ва автоматлаштирилган бетон заводлари учун иш унуми юқсак даражада бўлган комплекс ускуналар, шунингдек механизациялаштирилган бинокорлик инструменти ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Кемасозлик саноатида беш йил мобайнида қуруқ юк ортадиган кемалар ҳамда танкерлар ишлаб чиқариш 30 процентдан зиёдроқ кўпайтирилсин, балиқ овлайдиган ва юк қабул қилиб олиб, ташиб берадиган кемалар ишлаб чиқариш тахминан 3,9 баравар кўпайтирилсин. Ўзиюрар денгиз юк кемаларининг тезлиги ва юк кўтариш қуввати анча оширилсин. 5 — 10 минг тонна қуруқ юк кўтараоладиган ҳозирги замон денгиз теплоходларини, 20—25 минг тонна нефть сиғадиган танкерларни, 1200—2200 от кучи қувватига эга бўлган дар'ё ва кўл буксир кемаларини, ҳар бири 600 — 1200 от кучига эга бўлган пассажир теплоходларини, кит овлайдиган тезюрар кемаларни, шунингдек денгизларда катта кит овлаш базаларини, трюмлари рефрижерацияланган траулерларни, сельдь базаларини, денгизларда пассажир ташийдиган кемаларни ва ёғоч ташийдиган кемаларни ишлаб чиқариш та'минлансин. Балиқларни музлатиб берадиган установкалар ўрнатилган ва трюмлари рефрижерацияланган денгиз кемаларини кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилсин ҳамда темир-бетон кемалар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

17. **Бинокорлик материаллари саноати** соҳасида тезлик билан йиғиштириліб, тикланадиган материаллар ва буюмлар ишлаб чиқаришни кенг ривожлантириш, қурилишнинг сифатини ошириш ва қимматини камайтириш асосий вазифа деб ҳисобласин. Бунинг учун цемент, йигма темир-бетон буюмлар ва девор блоклар, деворбоп буюмлар, санитария-техника ускуналари ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни тез сур'атлар билан кўпайтириш кўзда тутилсин. 1960 йилда 1955 йилдагига нисбатан йигма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Вибрацион тегирмонларда майдаланган хомаш'ёдан бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Деворбоп ва пардозлаш материалларининг, шиферининг, томга ёпиладиган юмшоқ материалларнинг, дераза ойналарининг ва санитария-техника буюмларининг сифати анча яхшилансин.

Ҳарсангтош, майда тош, шагал ва қум чиқариш ҳамда қайта ишлашдаги қолоқлик тугатилсин. Майда тош ишлаб чиқармоқ учун тошларни майдалаб, сортлаб берадиган йирик район заводлари қурилсин; ма'дан бўлмаган бинокорлик материалларини бойитиш ва ҳиллаш жорий қилинсин ҳамда уларнинг таннархи камайтирилсин.

Колхозларнинг маҳаллий бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида колхозларга деворбоп материаллари, черепицани, оҳакни, қамишит плиталарни ва бошқа маҳаллий бинокорлик материалларини колхозларнинг ўзларида зарур миқдорда тайёрлаш тавсия қилинсин.

18. **Ўрмончилик саноатининг** янада ривожланиши та'минлансин. СССР Ўрмончилик саноати министрлиги бўйича қурилишбоп ёғочни ташиб олиш ҳажми беш йил мобайнида тахминан 42 процент кўпайтирилсин, бунинг учун 82 миллион кубометр ҳажмдаги ёғочни ташиб олишни та'минлайдиган ишлабчиқариш қувватлари ишга солинсин, серўрмон районларда ёғоч тайёрлашни ва тахта тиладиган заводлар қуришни ривожлантириш сур'атлари кучайтирилсин. 1956 — 1960 йилларда 16,5 миллион кубометр тахта тилиб беришни та'минлайдиган корхоналар ишга туширилсин. Мавсумий ишлайдиган Ўрмончилик хўжаликлари бутун йил бўйи ишлайдиган корхоналарга айлантирилсин ва улар доимий ишлайдиган ишчи кадрлар билан та'минлансин. Ўрмончилик саноатида ускуналардан фойдаланиш кескин равишда яхшиласин ва бу саноат иш унуми анча юқсак даражада бўлган машиналар ҳамда механизмлар билан та'минлансин.

19. **Қоғоз ва ёғочсозлик саноатини** анча ривожлантириш кўзда тутилсин. Босмахоналарга керакли қоғоз ишлаб чиқариш тахминан 60 процент ва газетабоп қоғоз ишлаб чиқариш 51 процент кўпайтирилсин, картон ишлаб чиқариш — 2,8 баравар, гидролиз ва сульфит спирт ишлаб чиқариш 2,3 баравар кўпайтирилсин. Юқа босма ва ўроз қоғозлари ишлаб чиқариш кенгайтирилсин, тарабоп қоғозларнинг ва картоннинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Целлюлоза, яримцеллюлоза пиширш ва ёғочни гидролизлашнинг прогрессив методлари жорий қилинсин.

Қамишдан целлюлоза ишлаб чиқарадиган янги заводлар ва қамиш картон ишлаб чиқарадиган янги фабрикалар қурилсин.

Барча дарахтларнинг ёғочидан ҳамда тахта тилиш, ёғочсозлик саноатида ва кўплаб дарахт кесиладиган жойларда ҳосил

(ДАВОМИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX С'ЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИ

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Очиқ денгизда кўплаб **балиқ овлашни** янада кенгроқ ривожлантиришни та'минламоқ учун балиқчилик саноатини балиқ овлайдиган энг янги катта кемалар билан қуроллантириш ишлари давом эттирилсин. Балиқ қидирадиган ва балиқ овлайдиган катта кемалар радионавигация ва гидроакустика асбоблари билан, шунингдек балиқ овлашни, балиқни тозалаб тилишлашни механизациялаштирадиган энг янги ускуналар билан та'минлансин. Балиқчилик саноати музлатучи установкалар ўрнатилган ҳамда балиқ маҳсулотларини кемаларнинг ўзида тайёрлаб портларга исте'мол учун тайёр ҳолда етказиб беришга имкон берадиган ускуналар ўрнатилган балиқ овлаш траулерлари билан та'минлансин.

Мамлакат сув ҳавзаларида балиқ запасларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун балиқчилик-мелиорация ишларининг комплекси кенг миқ'ёсда ўтказилсин. Бунда балиқ запасларининг табиий шароитда урчиб кўпайишини яхшилаш, балиқни кўплаб етиштиришни янада ривожлантириш ҳамда овланадиган қимматбаҳо балиқларни иқлимга ўргатишни янада ривожлантириш кўзда тутилсин.

Озиқ-овқат саноатининг ҳамма тармоқларида хомаш'ё ва тайёр маҳсулотнинг нобуд бўлишини анча камайтириш та'минлансин.

Олтинчи бешйиллик йиллари мобайнида капитал қурилиш ҳисобига тахминан қуйидаги миқдорларда маҳсулот ишлаб чиқарадиган ишлабчиқариш корхоналари ишга туширилсин: бир суткада 708 минг центнер қанд лавлагини ва 2.335 тонна мойли уруғликни қайта ишлаб берадиган корхоналар; йилига 957 миллион банка сабзавот ва мева консервалари ҳамда 300 миллион банка балиқ консерваси ишлаб чиқарадиган, бир сменада 2.279 тонна гўшт тайёрлаб берадиган, 313 минг банка гўшт консерваси ва 379 минг банка сут консерваси тайёрлаб берадиган ҳамда бир сменада 2.350 тонна сутдан сир ва ёғ чиқариб берадиган корхоналар ишга туширилсин.

II. Ишлабчиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича

1. Техникани янада тараққий эттиришни, меҳнат унумдорлигини оширишни ва меҳнат шароитларини енгиллаштиришни та'минлаш мақсадида ишларни механизациялаш сур'атлари кескин суратда кучайтирилсин ва ишлабчиқариш процессларини автоматлаштириш саноатга кенг миқ'ёсда жорий қилинсин.

Саноатнинг ҳамма тармоқларида асосий ва ёрдамчи ишларни комплекс равишда механизациялаш кенг кўламда амалга оширилсин. Юк ортиш ва тушириш ишларини комплекс механизациялашга алоҳида э'тибор берилсин.

Айрим агрегатларни ва операцияларни автоматлаштиришдан цехларни, технология процессларини автоматлаштиришга ва тамомила автоматлаштирилган корхоналар барпо этишга ўтилсин. Энергетика системаларида, нефть конларида ва бошқа ишлабчиқариш тармоқларида ускуналарнинг дистанцион усулда бошқарилишини ва контроль ҳамда бошқариш ишларининг телемеханизациялаништини янада кўпроқ татбиқ қилиш та'минлансин.

2. Ишлабчиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни кенг ривожлантириш соҳасида белгиланаётган тадбирлар муносабати билан технология процессларини такомиллаштириш ва ишлабчиқаришни уюштиришни яхшилаш юзасидан айни бир вақтда зарур ишлар олиб борилсин. Шу билан бирга ишлабчиқаришнинг узлуксиз ва поток методлари салмоғи анча оширилсин, ишларга сарф қилинадиган меҳнат ҳажмини Ватанимиздаги ва чет эллардаги техниканинг энг яхши ютуқлари даражасигача камайтиришга эришилсин. Саноат зарур механизация ва автоматизация воситалари ҳамда асбоблари билан та'минлансин; мавжуд ускуналардан ва механизмлардан фойдаланиш жиддий равишда яхшилансин.

3. Саноат тармоқларида ишлабчиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан қуйидаги асосий топшириқлар бериш кўзда тутилсин.

Қора металлургияда — мартен печьларини бошқаришни анча ҳажмда автоматлаштириш, прокат, коксохимик, ўтга чидамли материалар ва метиз ишлаб чиқариш технологияларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилсин ҳамда домна печьларини бошқариб туришни комплекс автоматлаштиришга киритилсин. Ишлаб турган прокат ва трубо прокат станларидан камида 40 таси автоматлаштирилсин. Ер остидаги транспортни диспетчер усулида бошқариб туришга ҳамда ер остидаги ишларда ва ер устидаги йирик темир руда ҳамда марганец шахталарида банд бўлган асосий машиналар ва механизмларни дистанцион усулда бошқаришга кўчиш амалга оширилсин; қора металлургиянинг руда тозалайдиган фабрикаларидаги ишлабчиқариш процессларини комплекс автоматлаштириш жорий қилинсин.

Рангли металлургияда—мис саноатидаги отражатель печьларини ва рафинирлаштирувчи печьларни автоматлаштириш тамомлансин; қўрғошин-цинк, никель саноатида ва нодир металлар саноатида шахта печьлари ва трубали печьлар автоматлаштирилсин; руда тозалайдиган йирик фабрикаларда майдалаш, янчиш, флотация қилиш процессларини комплекс автоматлаштириш жорий қилинсин, шунингдек рангли металлургиянинг асосий конларида ишлабчиқариш процессларининг контроль қилинишини ва рудани йиғиштириб олиш ҳамда келтириб бериш процессларини, скипли кўтармаларнинг ва ёрдамчи установкаларнинг ишларини дистанцион усулда бошқариш амалга оширилсин.

Кўмир саноатида — кўмир чиқаришни комплекс механизациялашни амалга оширмоқ учун тозалайдиган забойларда кровляларни бошқаришни ва конвейерларни кўчиришни механизациялаш кенг жорий қилинсин, ишлаб ва қия қатламларни қазиган вақтда кўмирни ювиш механизациялашни янада ривожлантириш та'минлансин, бу иш биринчи навбатда Донец, Кузнецк ва Караганда ҳавзаларида тугаллансин. Кўмирни ортишни ва тайёргарлик ишлари вақтида тупроқни ортишни механизациялаш тамомлансин. Ер остидаги ишларда, шахталар устида ва кўмир тозалайдиган фабрикаларда машиналарни ҳамда механизмларни автоматлаштириш ва дистанцион усулда бошқаришни ҳартарафлама кенгайтириш та'минлансин. Кўмир разрезларида кучли ускуналар қўлланиш йўли билан комплекс механизация амалга оширилсин. Конларни металл ва темир-бетон устунлар билан мустаҳкамлаш салмоғи анча оширилсин ва мустаҳкамлаш учун ёғоч сарфлашни камайтириш та'минлансин.

Торфни фрезер усулида чиқаришни комплекс механизациялаш, шунингдек чим қилиб чиқариладиган торфни олиш, ёйиш, йиғиштириш ва ортиш ишларини механизациялаш, транспорт ишларини, ботқоқликларда тайёргарлик кўриш ишларини ва ёрдамчи ишларни механизациялаш тамомлансин.

Нефть саноатида—нефть қудуқларини пармалаган вақтда тушириш-кўтариш операцияларини кенг ҳажмда механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилсин; нефть чиқариш ва ташиш ишларини автоматлаштириш тугаллансин; ишлаб турган конларда контроль ва бошқариш процессларини автоматлаштириш ҳамда янги қурилаётган нефть тозалаш заводларини комплекс автоматлаштириш кенг жорий қилинсин. Нефть ва сув чиқариладиган қудуқларни ҳамда нефть газопроводларини дистанцион усулда контроль қилиш ва марказдан туриб бошқаришга кўчиш қисман амалга оширилсин. Нефть кон-қудуқлари қуришда вишка-монтаж ишлари механизациялаштирилсин ҳамда разведка қилишда йиғиб-бузиб олинадиган ва кўчма иншоотлар қўлланилсин.

Электростанцияларда — гидроэлектростанцияларни телемеханика усулида бошқариш юзасидан қилинадиган ишлар тамомлансин; асосий энергетика системалари ва йирик подстанцияларни телемеханика асосида бошқаришга 2—3 йил ичида кўчилсин. Олтинчи бешйилликда қурилабошланадиган ҳамма теплоэлектростанцияларда бошқаришни комплекс равишда автоматлаштиришни амалга ошириш кўзда тутилсин.

Машинасозликда — ишлабчиқариш процессларини, биринчи навбатда қуюв ва темирчилик-пресс ишлабчиқаришида механизациялаш ҳамда автоматлаштириш анча кенгайтирилсин. Йирик серияли ишлабчиқаришда ва кўплаб ишлабчиқаришда термик печьларнинг иссиқлик режимларини тўла автоматлаштириш амалга оширилсин; эритилаётган модельлар бўйича комплекс механизациялаштирилган қуюв цехлари барпо қилинсин. Олтинчи бешйилликда камида 220 та автомат ва яримавтомат линиялар ҳамда цехлар ишга туширилсин.

Электротехника саноатида — электродвигательларни йиғишни автоматлаштириш ва кабеллар ишлаб чиқариш ишларини механизациялаш жорий қилинсин.

Радиотехника саноатида — радио аппаратурасининг кўплаб тайёрланадиган детальлари ва вакуум асбоблари ишлаб чиқаришни кенг механизациялаш ва автоматлаштириш та'минлансин.

Химия саноатида—цехлар ва заводларни ҳамда биринчи навбатда сульфат ва азот кислотаси ҳамда кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарадиган заводларни комплекс автоматлаштиришга киритилсин; сульфат кислота ишлаб чиқарадиган автоматлаштирилган цех қурилсин ва ишга туширилсин.

Қурилишда—ер қазиш, юк ортиш-тушириш ишларини, шунингдек конструкцияларни монтаж қилиш ишларини комплекс механизациялаш асосан тугаллансин; пардозлаш ишларини ва бошқа хил қурилиш ишларини комплекс механизациялаш ҳартарафлама ривожлантирилсин.

Бинокорлик материаллари саноатида — ма'дан бўлмаган бинокорлик материаллари чиқариш ишларини комплекс механизациялаш амалга оширилсин. Цемент саноатида ишлабчиқаришнинг технология процессларини автоматлаштириш, шифер ишлаб чиқаришда, керамик буюмлар, радиаторлар; санитария-техника ускуналари ва бошқа буюмларни ишлаб чиқаришда поток-механизация процесслари кенг миқ'ёсда жорий қилинсин.

Ўрмончилик саноатида— ёғоч тайёрлашдаги асосий ишларни комплекс механизациялаш тугаллансин ва ёрдамчи ишлар кенг механизациялаштирилсин; ёғоч тайёрлашда кўп меҳнат талаб қиладиган оғир ишларнинг катта қисми дарахтзорлардан ёғоч ташиш йўлларининг қуйи складларига ва ёғоч жўнатадиган базаларига келтирилсин; қуйи складлардаги ишларни кенг ҳажмларда комплекс механизациялаш амалга оширилсин. Ёғоч ташишда кўп юк кўтараоладиган ҳамда ҳамма жойда юраоладиган автотягачлар ва автомобиллар ишлатилсин. Ёғоч чиқиндилари ишлатадиган электростанциялар қуриш йўли билан ёғоч тайёрлайдиган жойларда барқарор энергетика базаси вужудга келтирилсин.

Қоғоз ва ёғочсозлик саноатида—целлюлоза-қоғоз ва гидролиз ишлаб чиқаришнинг асосий технология процесслари автоматлаштирилсин; бу ишлабчиқариш участкалари ва цехларини комплекс автоматлаштириш амалга оширилсин; мебель ишлаб чиқаришда автомат ва яримавтомат линиялар барпо этилсин ва жорий қилинсин.

Тўқимачилик саноатида—беш йил мобайнида автомат тўқув станоклари парки ҳамма тўқув станокларининг умумий сонига нисбатан тахминан 60 процентгача етказилсин; газламаларни пардозлашда поток-агрегатлаштирилган усуллар жорий қилинсин, ишлабчиқариш процессларини бошқариш автоматлаштирилсин, шунингдек тўқимачилик корхоналарида кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар комплекс механизациялаштирилсин, пахта тозалаш заводларида ва пахта тайёрлаш пунктларидаги кўп меҳнат талаб қиладиган оғир ишларни механизациялаш тугаллансин.

Кўн-пойафзал саноатида—қўл билан қилинадиган ишларни янада камайтириш та'минлансин, терини ошлайдиган ва пойафзал ишлаб чиқарадиган автомат ва яримавтомат линиялар жорий қилинсин.

Озиқ-овқат саноатида—балиқ овлаш ва ундан маҳсулот тайёрлаш ишларини комплекс механизациялаш кенгайтирилсин, ҳамма балиқ заводларини балиқни қабул қилиб олишни ва ишлашни механизация усулига кўчириш та'минлансин, балиқдан маҳсулот тайёрлаш юзасидан камида 600 автомат линия жорий қилинсин.

Кондитер моллари ва нон-булка ишлаб чиқариш юзасидан камида 400 та поток автомат ва яримавтомат линиялар ўрнатилсин.

Йирик ва ўртача ҳажмдаги гўшт комбинатларини чорва моллари сўйишда механизациялаштирилган поток усулига кўчириш тугаллансин, бунинг учун беш йил мобайнида 400 та конвейер линияси ўрнатилсин. Сариёғ ишлаб чиқариш юзасидан 1 500 та автомат-поток линияси жорий қилинсин.

4. Бу соҳадаги ишларни план бўйича олиб бориш ва саноат корхоналарини автоматизация учун зарур бўлган асбоб ва ускуналар билан та'минлаш мақсадида, саноатнинг ҳамма тармоқларида ишлабчиқариш процессларини автоматлаштириш юзасидан перспектив план ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблансин.

Ғарбий ва Шарқий Сибирь районларида—йилига жам'и 400 минг тонна қуюлма ишлаб чиқараоладиган 6 та ихтисослаштирилган қуюв заводи қурилсин;

Қозоғистон районларида—3 та қуюв цехи, шундан йилига 45 минг тонна пўлат ва чўян қуюлмаси ишлаб чиқараоладиган икки цех ҳозирги вақтда қурилаётган Петропавловск прокат ускуналар заводида ва йилига 150 минг тонна қуюлма ишлаб чиқараоладиган битта цех ҳозирги вақтда қурилаётган Павлодар комбайн заводида қурилсин;

Жануб районларида—Кременчугда йилига 70 минг тонна қуюлма ишлаб чиқараоладиган ихтисослаштирилган пўлат қуюв цехи қурилсин.

Бундан ташқари 1956—1958 йилларда пўлат, чўян ва алюминий қуюлмалари ишлаб чиқарадиган район база цехлари, шунингдек штамповка ва чеканка қилиш методлари билан темирчилик заготовкалари ишлаб чиқарадиган ва ярим суюқ усулда штамповка қиладиган цехлар ташкил қилинсин ҳамда 13 та заводда босим кучи билан, иссиққа чидамли ва прецизион пўлат қуюлма ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган цехлар барпо этилсин.

Йирик ихтисослаштирилган қуюв ва темирчилик-пресс цехлари қуриш ишлари шундай ҳисоб билан амалга оширилсинки, қуюлмалар, паковкалар ва штамповкалар чиқариш қувватлари машинасозлик заводларидаги механик-ишлаш цехларининг қувватлари ўсишига қараганда тезроқ ўсиб борсин.

3. Қувватли турбинлар, генераторлар, прокат станлари, майлаш-янчиш ускуналари ва бошқа хил ускуналар тайёрлаш учун халқ хўжалигини йирик ва уникаль паковкалар билан та'минлаш мақсадида беш йил мобайнида Уралда йилига 120 минг тонна паковка ишлаб чиқараоладиган темирчилик-пресс заводи ва Павлодарда қурилаётган комбайн заводида ҳамда Петропавловскда қурилаётган прокат ускуналари заводида йилига жам'и 95 минг тонна покавка ишлаб чиқараоладиган 2 та темирчилик-пресс цехи қурилсин.

4. Ихтисослаштирилган қуюв ва темирчилик-пресс заводлари ҳамда цехлари бўлган ёки қурилаётган районлардаги машинасозлик заводларида майда ҳажмдаги қуюв ва темирчилик-пресс цехлари қуриш тақиқлансин.

Қуюв ва темирчилик-пресс заводларини ҳамда цехларини энг янги ускуналар билан та'минлаш учун мамлакатнинг турли районларида қуюв ускуналари ишлаб чиқарадиган янги заводлар ҳамда қуюв ва темирчилик-пресс цехларини механизациялаш воситалари тайёрлайдиган заводлар қурилсин.

5. Саноат корхоналарининг стандарт асбобга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилсин, бунинг учун ихтисослаштирилган заводларда ва ихтисослаштирилган цехларда бу асбобни ишлаб чиқариш учун беш йил мобайнида зарур қувват вужудга келтирилсин.

6. Ихтисослаштирилган заводларда ва цехларда тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар ишлаб чиқариш 1960 йилда тахминан 90 процентгача етказилсин. Автомобильларни ремонт қилишда агрегат методи кенг жорий қилинсин, бунда ихтисослаштирилган заводларда тайёрланган узеллар ва агрегатлар қўлланилсин.

Ихтисослаштирилган заводларда бинокорлик машиналари учун запас қисмлар ишлаб чиқариш камида 4 баравар кўпайтирилсин.

7. Металл қирқадиган ва ёғочсозликда ишлатиладиган станоклар ишлаб чиқариш юзасидан ихтисослаштирилган янги заводлар, шу жумладан Минскда, Томскда, Костромада ва Вологдада автомат линиялар, махсус ва агрегат станоклар ишлаб чиқарадиган заводлар қурилсин. Махсуслаштирилган заводларда наладкалар, мосламалар ва ҳархил асбоблар ишлаб чиқариш беш йил мобайнида тахминан 10 баравар кўпайтирилсин.

Ғарбий ва Шарқий Сибирьда шестернялар, шлиц ва кардан валлари, автомобиль двигателлари ва ғилдираклари, шунингдек автомобиль радиаторлари ишлаб чиқарадиган 6 та ихтисослаштирилган завод қуриш кўзда тутилсин. Металлургия саноатида юқори сифатли метизлар ва фитинглар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган цехлар қурилсин ва ишга туширилсин.

8. Мамлакатнинг турли иқтисодий районларида шу районлардаги саноат корхоналарининг эҳтиёжларини, уларнинг қайси идорага қарашли бўлишидан қат'и назар, та'минлаб туриш учун электродлар, резинадан, пластик массадан, ёғочдан энг зарур детальлар, конларни мустаҳкамлайдиган материаллар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар ҳамда цехлар ташкил қилинсин.

9. Жам'и 4,5 миллион кубометр ёғоч-тахта ишлаб чиқараоладиган камида 15 та ихтисослаштирилган тахта тилиш-ёғочсозлик корхонаси қурилсин, бу корхоналарда автомобильсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва вагонсозлик учун заготовкалар, шунингдек мебель корхоналари учун заготовка ва деталлар ишлаб чиқарилсин.

10. Мамлакатнинг иқтисодий районлари ва йирик саноат марказлари бўйича саноатда ихтисослаштириш ҳамда кооперативлаштиришнинг перспектив планини ишлаб чиқиш зарур деб топилсин.

(ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА).

24 февраль эрталабки мажлис

Ўртоқ **М. Г. Первухин** раислигида очилган эрталабки мажлисда ўртоқ Н. А. Булганиннинг олтинчи бешйиллик план юзасидан КПСС XX с'ездининг Директивалари тўғрисидаги доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Биринчи бўлиб ўртоқ **С. Г. Рагимов** (Озарбайжон партия ташкилоти) сўзга чиқди. Партиянинг XX с'ези тасдиқига тақдим этилган олтинчи бешйиллик план ҳақидаги Директивалар проектида ва ўртоқ Булганиннинг докладида, деди нотиқ, улуғ Ватанимиздаги барча меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари ифода этилган.

Ўртоқ Рагимов Озарбайжон ССРнинг эришган муваффакиятларини кўрсатучи фактларни келтиради.

Ўртоқ **М. Д. Ковригинага** сўз берилади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқнинг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида, унинг бахт-саодати ва соғлиғи тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишни ўзининг энг биринчи бурчи деб биладилар, дейди у. Янги бешйиллик планнинг ҳамма бўлимлари совет кишиларининг соғлигини яхшилашга, уларнинг иш қобилиятини оширишга ва умрини узайтиришга бевосита ёки билвосита та'сир кўрсатиши лозим. Партия XX с'ездининг Директивларида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши соғлиқни сақлаш муассасаларининг тормоқларини кескин суратда кенгайтириш ва аҳолига медицина ёрдами кўрсатишни анча яхшилаш имконини беради.

Академик **Т. Д. Лисенко** ўз сўзида та'киллаб ўтадики, олтинчи бешйилликда деҳқончилик соҳасида партия томонидан белгиланган вазифаларни бажаришда биология қишлоқ хўжалик фани катта роль ўйнаши лозим. Бироқ, бу фан колхоз, совхоз ишлабчиқаришининг талабларидан ҳали кўп жиҳатдан кейинда қолмоқда. Фан билан практиканинг етарлик даражада боғланмаганлиги бундай кейинда қолишнинг асосий сабабидир.

Ўртоқ Лисенко Мичурин биологиясининг ютуқлари тўғрисида, бу эса унинг практика билан маҳкам бирлиги натижаси эканлиги ҳақида гапиради. Сўнгра нотиқ деҳқончиликнинг ба'зи амалий масалаларига тўхталади.

Ўртоқ **Г. С. Хламов** айтадики, олтинчи бешйилликда тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги анча ривож топади. 1960 йилда тракторлар ишлаб чиқариш 1955 йилдагига нисбатан икки баравар, дон комбайнлари ишлаб чиқариш уч баравар кўпаяди. Қишлоқ хўжалик машиналарининг янги типлари яратилади.

Раислик қилучи Марказий Комитетнинг ҳисобот доклади юзасидан резолюция тайёрлаш учун с'езд томонидан тасдиқланган комиссия ўз ишини тамомлаганлигини ма'лум қилади ва резолюция проектини овозга қўяди.

С'езд резолюцияни бир овоздан қабул қилади.

Сўнгра партия Уставига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги резолюция тасдиқланади, шундан кейин ўртоқ Н. К. Булганиннинг докладини муҳокама қилиш давом этади.

Ўртоқ **С. Камолов** (Ўзбекистон партия ташкилоти) сўзга чиқади.

Ўртоқ **И. А. Бенедиктов** айтадики, партия Марказий Комитети қишлоқ хўжалигида совхозларнинг ролини ва аҳамиятини оширди, совхоз ишлабчиқаришини анча кенгайтириш перспективасини очиб берди.

Ҳозирги вақтда, дейди у, Совет Иттифоқида 5 мингдан кўпроқ совхоз бор. Улар сўнгги икки йил ичидагина 13,6 миллион гектар янги ерларни ўзлаштирдилар. Кўриқ ерларда 425 та йирик хўжалик ташкил этилди, улар ҳозирги замон техникаси билан та'минланган. Олтинчи бешйилликда совхозлар давлатга топшириладиган дон миқдорини 900 миллион пудга етказадилар, сут етиштириш 2,8 баравар кўпаяди, гўшт ва жун етиштириш эса икки баравар ортади.

Ўртоқ **П. Ф. Ломако** минбарга чиқади.

— Техникани узлуксиз тараққий эттириш юзасидан Директивалар проектида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун, — дейди у, — рангли ва нодир металларни ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш кат'ий талаб этилади. Совет ҳокимияти йилларида рангли металлургия оғир индустриянинг кучли тормоқларидан бирига айлантирилди.

Сўнгра ўртоқ Ломако, рангли металлургияни янада ривожлантириш перспективалари тўғрисида гапиради. Олтинчи бешйилликда саноатнинг бу муҳим тармоғига сарфланадиган капитал маблағлар ҳажми бешинчи бешйиллиқдагига нисбатан 2,3 баравар ортади.

Ўртоқ **М. А. Евсеенко**га сўз берилади. Нотиқ нефть саноатининг ривожланишини характерлаб, нефть саноати халқ хўжалигининг ҳартарафлама ривожланган ишлабчиқаришга ва малакали кадрларга эга бўлган илғор тармоғига айланди, деди.

Раислик қилучи айтадики, Ўртоқ Булганиннинг докладини муҳокама қилишда 34 киши қатнашди. Музокараларни тўхтатиш тўғрисида Президиумга таклиф тушди. Бу таклиф қабул қилинади.

Сўнгра, раислик қилучи, сўзга чиққан ҳамма ўртоқлар ўртоқ Булганин докладидаги асосий фикрларга ҳамда олтинчи бешйиллик план ҳақидаги Директивалар проектига киритиш учун таклиф этилган тузатиш ва қўшимчаларни кўриб чиқиш учун с'ези комиссияси сайлансин.

Сўнгра с'ези СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'ези Директивалари проектига киритиш учун таклиф этилган тузатиш ва қўшимчаларни кўриб чиқиш учун комиссия составини тасдиқлади.

С'ези делегатлари четэл коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг сўзга чиқишини самимий кутиб олдилар.

Ўртоқ П. де **Гроот** Нидерландия Коммунистик партиясидан табрик топширди.

Ўртоқ **Д. Урбани** с'ездни Люксембург Компартияси номидан табриклади.

Канада прогрессив ишчи партияси номидан ўртоқ **Т. Бак** сўзга чиқиб, бундай деди:

— Бу с'езднинг иши бутун дун'ё меҳнаткашларини гоят қизиқтирмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлик қилаётган совет халқининг ютуқлари бутун инсониятга тинчлик ва социал тараққиёт йўлини ёритиб турибди.

Марокаш Компартиясининг вакили ўртоқ **Али Ята** КПСС га ва Совет ҳукуматига марокаш халқининг дўстлик туйғуларини ва ташаккурини изҳор қилиш билан ҳурсанд эканлигини айтади.

Австралия Компартияси номидан сўзга чиққан ўртоқ **Э. Хилл** айтадики, Совет Иттифоқининг тинчлик йўлидаги ташаббуси Австралия халқи ўртасида зўр қизиқиш туғдирди. Бу нарса Булганин ва Хрущев ўртоқларнинг Ҳиндистонга, Бирмага ва Афғонистонга қилган сафари ҳамда бу мамлакатларнинг халқларига дўстлик ва ёрдам қўлини узатганликларига айниқса тааллуқлидир. Совет Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари халқларининг самимий қардошлик муносабатлари Австралия халқи учун буюк намунадир. Австралия манфаатлари Осиё ва Тинч океан районларидаги мамлакатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишни ва коллектив хавфсизлик пактининг, Хитой Халқ Республикаси томонидан 1955 йил июль ойида таклиф этилган пактнинг тузилишини талаб этади.

Исландия Бирлашган социалистик партияси вакили ўртоқ **Э. Торбьярнарссон** бундай деди:

— Исландия халқи Совет Иттифоқи экономикасининг тез ривожланаётганлигини ва СССР халқлари фаровонлигининг ўсиб бораётганлигини зўр қизиқиш билан кузатиб турибди. Бизларга шу нарса аёнки, янги улуғвор бешйиллик план совет кишилари турмуш даражасининг янада оширилишини гарантия қилиш билан бирга бошқа ҳамма миллатларга, шу жумладан исландиялиларга ҳам халқлар ўртасида тинч муносабатлар учун янги имкониятлар беради.

Ўртоқ **М. Зиннафаа** сўз олади. У Тунис коммунистик партиясининг с'езига юборган табрикномасини ўқиб эшитдиради. С'ездда Коста-Рика Халқ авангарди партиясидан, Гватемала Меҳнат партиясидан, Боливия, Парагвай, Греция, Эквадор, Триест компартияларидан олинган табрик хатлари ҳам ўқиб эшитдирилди.

Мажлиснинг охирида раислик қилучи ўртоқ **М. Г. Первухин** бундай деди:

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездига қардош коммунистик ва ишчи партияларининг табрикларини эшитдик. С'езд номига чет эллардаги коммунистик, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларидан ҳам кўп табрик хатлари олинди. С'езд номига мамлакатимиз меҳнаткашларидан ва жамоат ташкилотларидан ҳам жуда кўп табрикномалар келди. Табрикномаларда с'езд ишига муваффақият истаб ҳамда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг таянчи бўлган совет социалистик мамлакатининг янада юксалишини ва гуллаб-яшнашини истаб тилаклар билдирилган.

Партиямиз с'ездини табриклаган қардош партияларга ва барча ташкилотларга XX с'езд номидан самимий ташаккур изҳор қилишимга ва уларнинг ишига муваффақиятлар истаб, энг яхши тилаклар билдиришга рухсат этингиз.

Сиз, азиз меҳмонларни ва ишчилар синфи ишини, тинчлик ва бутун инсониятнинг тараққиёти ишини қадрлайдиган ҳаммани Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ези номидан ишонтириб айтишга рухсат этингизки, Совет Иттифоқи коммунистлари партия с'ези томонидан қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш учун ҳамма ишларни қиладилар ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Шу билан мажлис ёпилди. (ТАСС).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Р. 00055 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1383.